## КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Фарзандимизга болам дебгина эмас, инсон, жамиятнинг аъзоси деб қарасак, уни тарбиялашимиз осон кечади. Ахир улар бизга фақат баъзилар айтганидек, "қариганимизда боқишлари" учун керак эмас. Улар орзуларимиз давомчиси, мамлакатимизнинг келажаги.

4 бет

## ТАЛОНЧИ ЙИГИТЧАЛАР

Ҳеч нарсадан ҳеч нарса олдиларига бостириб келган болаларни кўриб анави икки йигит шошиб қолишди. Бири дадилроқ экан, улар билан гап талаша бошлади. Нурбекка шу керак, эди: у "бўпти, четроққа чиқиб гаплашамиз" деб уларни машинасига чиқишни талаб қила бошлади.

10 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 28-may, № 22 (647)









## «УМИД НИҲОЛЛАРИ»ДАН — ОЛИМПИЯ ЧЎҚҚИЛАРИГА

**Юртимизда ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда шак-шубҳасиз, спортнинг аҳамияти беқиёсдир.**

**Сўнгги йилларда ёшлар ўртасида спортни оммавийлаштиришга, айниқса болалар спортини ривожлантиришга, нуфузли турли йирик мусобақаларни ташкиллаштиришга давлатимиз томонидан катта эътибор берилаётгани бежизга эмас.**

Спортга нафақат ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ва жисмоний етуклиги гарови, айни пайтда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишнинг самарали воситаси сифатида ҳам қаралади. Инсонда мардлик, тантилик, жасурлик, кучлилик, чаққонлик, бардошлилик, олижаноблик каби фазилатларни шакллантириш ва чиниқтиришда спортга тенг келадигани йўқ. Қолаверса, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртига садоқат руҳида тарбиялашда спорт турларидан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Республикамизда мактаб ўқувчилари, коллеж ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақалари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" ўйинларини ана шундай эзгу ва олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилаётган муҳим омиллар қаторига киритиш мумкин. Эътиборга молик бир ҳолатни фахр билан айтишга ҳақлимиз: республикамизда анъанага айланиб улгурган спортнинг уч босқичли тизимини ташкил этиш тажрибаси ҳали дунёнинг бирорта ҳам давлатида кузатилган эмас. Тажрибада ўзини оқлаган уч босқичли тизим юртимиз катта спортининг олтин заҳираси ҳисобланади. Ўтган йилларда турли вилоятларда ўтказилган мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари бўлган ёшларимизнинг аксарияти бугунги кунда халқаро спорт майдонларида ҳам зафар қучиб, давлатимиз байроғини баланд кўтараётганликларига бевосита шоҳид бўлиб турибмиз.

"Умид ниҳоллари" ўйинларининг республикамиз вилоятларида навбатма-навбат ўтказилишида теран маъно-мақсад мужассам. Бу каби нуфузли беллашувларнинг ташкил этилиши, биринчидан, ўша вилоятда ёшлар ўртасида бир қатор спорт турларини оммавийлаштиришга кучли туртки бераётган бўлса, иккинчидан, янги, замонавий стадионлар, теннис кортлари, сув ҳавзалари, бокс, гимнастика заллари ва бошқа ўйингоҳлар бунёд этилмоқда. Спортнинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланиши фарзандларимизнинг ўзлари ихлос қўйган спорт турлари билан астойдил шуғулланишлари учун қулай шароит демакдир.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида, эртага старт бериладиган навбатдаги "Умид ниҳоллари - 2009" мусобақаларига Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри мезбонлик қилади. Уч кун давом этадиган турнир вилоятда, айниқса, қишлоқ жойларда оммавий спорт ҳаракатини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилганининг амалдаги ифодаси бўла олади.

**(Давоми 4-бетда).**

## ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИ

Кейинги пайтларда жаҳон мамлакатларида террорчилик ҳаракатлари келтирган кулфатлар тўғрисида кўп эшитаяпмиз. Терроризм қаерда бош кўтармасин, унинг илдизи битта. Модомики, бу бало инсоният цивилизациясига хавф солаётган экан, ҳамма ерда унга қарши жиддий ва узлуксиз кураш олиб бориш, оғзаки баёнотлардан амалий ишга ўтиш талаб қилинади. Бу курашда эса фақат қурол кучига таянишнинг ўзи етарли эмас. Инсон омилига жиддий эътибор қаратилмоғи, унинг онги ва қалбини асраш учун ҳаракат қилинмоғи лозим.

Бугун биз кўп сабабларга кўра шукроналар айтсак арзийди. Истиқлол боис топган ҳурриятимиз, тикланган қадриятларимиз, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар туфайли юртимизда содир бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, барқарор ўсиш-ривожланиш, дунё саҳнидаги обрў-эътибор, барча-барчаси кўксимизни ғурурга тўлдиради. Бу президентимиз раҳнамолигида халқимиз сабот ва бирдамлик билан эгаллаб бораётган марралар натижасидир.

**(Давоми 3-бетда).**

## ДАРОМАД ҚОНУНИЙ БЎЛСИН

Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси томонидан солиқ соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш ҳамда давлатга етказилган зарарни тўлиқ ундириш, шунингдек, яширин иқтисодиётни бартараф этишга қаратилган изчил тадбирлар ўтказиляпти.

Департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, Поп шаҳар, Шомозор кўчасида жойлашган хусусий тадбиркор С.Ғайбуллаевнинг чакана савдо шоҳобчасида унинг онаси М.Худойберганова алкоголли маҳсулотларни сотишга махсус рухсатномаси бўлмаган ҳолда, турмуш ўртоғи Х.Ғайбуллаев раҳбарлик қиладиган "Нилуфар-Азиз-Барҳаёт" кўп тармоқли хусусий фирмасига пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 21 турдаги 11083 дона 9974.7 минг сўмлик алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага киритаётганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган.

Давлат рўйхатидан ўтган, аммо фаолият юритмаган ва банкда ҳисоб рақами очмаган "Сифат қурилиш савдо" МЧЖни тугатишда Наманган шаҳар ҳокимлиги корхоналарни тугатиш махсус комиссияси мансабдор шахслари ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашган. Гап шундаки, 2008 йил 27 июнда тугатилган ушбу жамиятнинг муҳр ва штампини олиб, йўқотиш учун ички ишлар органига топширишмаган. Натижада жамият раҳбари Б.Мансуров Наманган шаҳридаги Халқ банки ва Туронбанкда ҳисоб рақами очиб, ноқонуний фаолият кўрсатган. У 1 млрд. 568 млн. сўмлик савдодан тушган пулларни банкка топширмай, давлат манфаатларига жиддий зиён етказган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Департаментнинг Поп туман бўлими ва вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ҳамкорликда валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадбирда, фуқаро Х.Мамадалиев 100 АҚШ долларини 151 минг сўмга харидор Э.Турсуналиевдан сотиб олаётган вақтида ушланган. Унинг ёнидан 9300 АҚШ доллари, 13000 Россия рубли, 1700 Қозоғистон тенгеси ҳамда 129000 Ўзбекистон сўми борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган.

Фуқаро Х.Мамадалиев 9300 АҚШ долларини 12972.5 минг сўмга, 13.0 минг Россия рублини 616.9 минг сўмга, 1.7 минг Қозоғистон тенгесини 15.3 минг сўмга Поп туманидаги "Маданият бозори"да фуқаролардан қонунга хилоф равишда айрибошлаш йўли билан сотиб олганлиги ҳақида кўрсатма берган. Ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарга нисбатан жазо чоралари белгиланди.

Департаментнинг Чуст туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, хусусий тадбиркор И.Мадибрагимов ўзига қарашли савдо шоҳобчасида тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасисиз, Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган акциз маркасиз 5 турдаги 1.2 млн. сўмлик ва маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган акциз маркали 4 турдаги 1.4 млн. сўмлик, жами 2.6 млн. сўмлик тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритаётганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган. Ҳуқуқбузар тегишли жазога тортилди.

Шу туманда яшовчи фуқаро Н.Камалиддинов ҳам ўзига қарашли савдо шоҳобчасида ҳеч қандай ҳужжатсиз, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган акциз маркали 13 турдаги алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага киритаётганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган. Улар мутахассислар томонидан истеъмолга яроқсиз деб топилган.

Унга нисбатан ҳам тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Ёш болаларга нафақа пуллари тайинлашда ҳам қонунбузарликлар учраб турибди. Жумладан, Наманган туманининг Хўжақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси котиби Х.Раҳмонов таъмагирлик қилган. У фуқаро С.Каримовдан 2 ёшгача бўлган болалар нафақасини тайинлашда ёрдам бериш эвазига 50 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтида ушланди. Суриштирувда маълум бўлдики, Х.Раҳмонов муқаддам бошқа фуқаролардан ҳам пора олган экан.

Хуфёна иқтисодиётнинг асосий кўринишларидан бири бўлган яширин цехлар фаолиятини аниқлаш ва барҳам беришга қаратилган тадбирлар мунтазам ўтказиляпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида 21 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди. Ҳуқуқбузарлардан 12.3 млн. сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулот ва ишлаб чиқариш ускуналари далилий ашё сифатида олинди. Хусусан, фуқаро А.Ваҳобов ўз хонадонида яширин цех ташкил этиб, санитария талабларига жавоб бермайдиган шароитда пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқараётганлиги фош этилди.

Поплик Э.Юлдашев эса "ходовой товар" дея ароқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйган экан. У истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган қўлбола усулда тайёрланган қалбаки акциз маркали ароқларни сотиш учун олиб кетаётганда ушланди. Яширин цех ташкил қилиб, сифатсиз пахта ёғи ишлаб чиқарган А.Ваҳобов ҳамда қўлбола усулда ароқ тайёрлаб сотган Э.Юлдашев энди қонун олдида жавоб берадилар.

Кези келганда айтиш керакки, юртимизда қонуний фаолият юритмоқчи бўлганлар учун барча шароит яратилган. Уларни қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш борасида кўп иш қилиняпти.

Фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, аҳоли онгида иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш борасида тарғибот ва профилактика ишларига алоҳида эътибор беriляпти.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача", деб бежиз айтишмаган. Солиқлардан қочиб, ноқонуний даромад топмоқчи бўлганлар эртами-кечми, албатта, фош этилади.

**Фарҳод ЗУФАРОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи**

# «МЕТАЛЛФУРУШЛАР»

*Ҳақиқий тадбиркор ўз фойдасинигина эмас, кўпчилик манфаатларини кўзлаб иш бошлайди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиб ҳам ўзига, ҳам жамиятга наф келтиришни мақсад қилганлар учун барча эшиклар очиқ.*

*Шунга қарамай, айрим "тадбиркорлар" ҳамон ноқонуний даромад илинжида "омадлари"ни синаб кўришдан тийилмаяпти. Мўмай даромад васвасасидан воз кечолмаган бундай фуқаролар қонун олдида жавоб беришга келганда пушаймонликдан нарига ўта олмайдилар.*

2005 йилнинг 20 сентябрида "Агротаъминотсервис" МЧЖни таъсис этган Ботир Султонов аввал бошданоқ сохта тадбиркорликни мақсад қилган экан. Бундай дейишимизга сабаб, у МЧЖ фаолиятининг дастлабки давриданоқ ноқонуний фаолият юритиб, бир йил ичида лицензия олмасдан туриб 64 млн.30 минг сўмлик улгуржи савдони амалга оширган. У МЧЖ уставида кўрсатилган фаолият билан шуғулланиш ўрнига дуч келган ишга ўзини уриб юраверган.

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг барчасини биратўла четлаб ўтишга қарор қилган Б.Султонов солиқ идораларига ҳисобот топширишни ҳам ўзига эп кўрмаган. Жамият фаолияти юзасидан солиқ инспекциясига охирги марта 2006 йилнинг октябрида ҳисобот топширгану кейин бу ҳақда умуман ўйлаб кўрмаган. Турган гапки, ҳисобот топширмагани ва устав фондини белгиланган муддатда шакллантирмагани учун "Агротаъминотсервис" МЧЖ 2007 йилнинг августидан фаолият юритмаётган корхоналар рўйхатига киритилади. Ўша йилнинг октябрида эса Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан жамият тугатилган. Аммо Б.Султонов 2008 йилнинг 1 мартига қадар "Агротаъминотсервис" МЧЖ раҳбари номидан иш юритиб, тугатилган жамиятнинг юридик кучга эга бўлмаган муҳр ва тамғасидан фойдаланиб сохта тадбиркорлик билан шуғулланиб келган.

Ана шундай кунларнинг бирида, аниқроғи, 2007 йилнинг октябрида Б.Султонов эски таниши Муроджон Фарзидиновнинг "Тошқишлоқмаш" ОАЖ бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимига тайинланганидан хабар топади. Бу имкониятдан яхшигина манфаат кўриши мумкинлигини тушунган "учар тадбиркор" эски танишини қидириб топади.

Бу пайтда раис ўринбосари вазифасида иш бошлаган М.Фарзидиновга жамият қимматли қоғозлар бўлими, мулк бошқармаси назорати топширилиб, зиммасига жамият томонидан тузилган шўъба ва қўшма корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий нормаларга мувофиқлигини таъминлаш, жамият фаолиятида юзага келадиган ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш каби масъулиятли вазифалар юклатилган эди. Аммо у масъулиятни ҳис эта олмади.

Маълумки, "Тошқишлоқмаш" кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган корхоналардан саналади. Шу боис, 2007 йил бошларида бундан 20-30 йиллар аввал қурилиб, кейинги йилларда умуман фойдаланилмаётган металл конструкцияларни демонтаж қилиш ва металл чиқиндиларни иккиламчи қора металлга топшириш ҳақида жамият бошқарув раисининг буйруғи чиқади. Фойдаланилмаётган ва эскирган асосий воситаларни аниқлаш, уларни ҳисобдан чиқариш учун комиссия тузилиб, демонтаж ишлари бошлаб юборилади. Мана шундай бир пайтда раис ўринбосари М.Фарзидиновда демонтаж қилинаётган металл конструкцияларнинг харидоргир яроқли металларини ўзлаштириш режаси туғилади. Бу ишни уддалаш учун у ўзига ҳамтовоқлар топиши керак эди. Бу иш қийин кечмади: Абдурашид Шодиев, Бурхон Мухторов ва дастлабки терговда шахси аниқланмаган яна бир киши ўзлари М.Фарзидиновни қидириб келишади.

Шундан кейин уюшган гуруҳ аъзолари келишилган режа асосида демонтаждан чиққан сараланган, яроқли ва харидоргир металларни ноқонуний йўллар билан завод ҳудудидан олиб чиқиб кета бошлашади.

Дастлабки тергов жараёнида маълум бўлишича, уюшган гуруҳ аъзолари қандайдир "Федал АРД" МЧЖ муҳри ва тамғалари қўйилган бўш бланкаларни қўлга киритиб, М.Фарзидинов раҳнамолигида, гўёки ушбу фирма ва "Тошқишлоқмаш" ОАЖ ўртасида 2007 йил 21 сентябрь санаси билан металларни сотиб олиш тўғрисида шартнома тузадилар. Қалбаки ҳужжатларга асосан бозор нархида салкам беш миллион турадиган металлар арзонгаровга, 1 млн. 813 минг сўмга "Федал АРД" МЧЖга сотиб юборилади. Сохта ҳужжатлар асосида олиб чиқиб кетилган металлар гуруҳ аъзолари томонидан номаълум шахсларга сотилиб, пулларни ўзаро бўлиб олишади. Шу тариқа "Тошқишлоқмаш"ОАЖга 3 млн. 163 минг 660 сўм моддий зарар етказадилар.

Мана шундай бир пайтда "металлфуруш"лар сафига "учар тадбиркор" Б.Султонов келиб қўшилади. 2007 йилнинг 24 октябрь куни уюшган гуруҳ олдинги сценарий бўйича иш юритади. Бозор нархида 5 млн. 178 минг сўмлик металлар 1 млн. 540 минг сўмга баҳоланади. Ноқонуний йўллар билан завод ҳудудидан олиб чиқиб кетилган металлар номаълум шахсларга нақд пулга сотиб юборилади. Бу сафар уларнинг жамиятга етказган зарари 3 млн. 638 минг сўмдан ошиб кетган.

Мўмай пулнинг мазасини кўрган жиноий гуруҳ аъзоларининг иштаҳаси янаям очилади. Энди "Федал АРД" МЧЖнинг муҳри ва тамғалари қўйилган бўш бланкаларни топишнинг иложи бўлмай турганда Б.Султонов аллақачон тугатилган "Агротаъмирсозсервис" МЧЖнинг юридик кучга эга бўлмаган муҳр ва тамғасини ишга солади. Бу сафар гуруҳ аъзоларининг қалбаки ҳужжатлар ёрдамида жамиятга етказган зарари 2 млн. 819 минг 212 сўм бўлди.

Шу тариқа уюшган гуруҳ аъзолари яна саккизта эпизодда "Тошқишлоқмаш" ОАЖга тегишли металларни ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб сотиб юборишган ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказишган.

"Кўза кунда эмас, кунида синади" деганларидек, жиноий гуруҳнинг навбатдаги операцияси улар учун омадсиз якун топди. Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Ҳамза туман бўлими ходимлари томонидан тезкор тадбир давомида жиноий гуруҳ томонидан ўзлаштирилган металлар ортилган юк автоулови ушланиб, уларнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг ҳукми билан "металлфуруш" жиноий гуруҳ аъзоларига қонуний жазо белгиланди.

**А.САИДХОДЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси катта терговчиси**

# ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

**Бугунги кунда ҳуқуқий маданиятга фуқаролик жамиятининг узвий қисми, демократиянинг асосларидан бири сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади ҳам фуқаролик жамиятини, демократияни шакллантиришдан иборат. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов таъбири билан айтганда "Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади - бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлида оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир".**

Ватанимизнинг тараққиёти ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир.

Ҳуқуқий маданият жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир.

Мамлакатимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, қонунларни ҳаётга тўғри татбиқ этиш учун энг аввало, суд-ҳуқуқ органлари ходимлари уни пухта билишлари, чуқур англашлари лозим ва жойларда кенг оммага тушунтириш, етказиш йўли билан ҳисса қўшишлари зарур бўлади. Бу ҳарбий соҳадаги ислоҳотларни, қонунчиликдаги ўзгариш ва янгиликларни ҳарбий хизматчиларга етказиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи билан узвий боғлиқ. Марказий ҳарбий округ ҳарбий суди томонидан ҳам ҳарбий қисмларда амалдаги қонунлар тарғиботи ва ижросини таъминлаш юзасидан, қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини ёш аскарлар онгига етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2008 йил ва 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида бир қатор жиноят ишлари ҳарбий суд томонидан сайёр суд мажлисларида кўрилган. Сайёр судларнинг бевосита ҳарбий қисмларда ва жойлардаги мудофаа ишлари бўлимларида ўтказилиши қонунларимизнинг ҳаётда изчил ифодасини топаётганига ишончни орттиради.

Ҳарбий қисмларда мунтазам равишда турли мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва ҳуқуқий саводхонлик кунлари ўтказилаётганлиги ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, ҳарбий қисмларда "Ёш аскарларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш", "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши", "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши", "Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, курол-аслаҳалардан фойдаланиш ва ишлаш қоидалари", "Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш", "Жиноят ва жазо", "Ҳарбий суд томонидан жиноят ишларини кўришда ярашув институтини қўллаш", "Чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш", "Ҳарбий хизмат - конституциявий бурч", "Ҳарбий судларнинг ҳарбий жиноятларнинг олдини олишдаги роли" каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шу билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали ҳам ҳуқуқий тарғибот ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Мамлакатимиз тинчлиги ва юртимиз осойишталиги ҳарбий кучқудратимизга боғлиқ экан, ҳарбий хизматчилар сафини нафақат мард ва жасур, шу билан бирга ҳуқуқий маданиятли, маънавий етук ёшлар билан кенгайтириш она юртимизни кўз қорачиғидек садоқат билан асраб-авайлашга, мудофаа ишларини такомиллаштиришга, Ватан ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

**Х.САИДОВ,**
**Марказий ҳарбий округ ҳарбий Суди судьяси**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

— 2009 йил 25 майдан 26 майга ўтар кечаси 2-3 нафар қуролланган босқинчидан иборат гуруҳ Андижон вилояти Хонобод шаҳрига кираверишда жойлашган милиция блокпостига портловчи мосламалардан фойдаланган ҳолда ҳужум қилган.

Отишма пайтида бир нафар милиция ходими ва босқинчилардан бири яраланган.

Босқинчилар берилган зарба натижасида тун қоронғисида яширинишга улгурган.

26 май куни соат 13.45-14.00 да Андижон шаҳрининг Фитрат кўчасида номаълум киши ўзини ўзи портлатиб юборган ва бунинг оқибатида бир нафар милиция ходими ҳалок бўлган, бир неча фуқаро жароҳатланган.

Дастлабки маълумотларга кўра, босқинчилар гуруҳи Андижон вилояти ҳудудига қўшни Қирғизистондан кириб келган.

Айни пайтда Андижонда мамлакатимизнинг барча ҳарбийлашган тузилмалари вакилларидан иборат тезкор штаб ташкил этилган ва иш олиб бормоқда. Тезкор-қидирув ишлари ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

# ПРОКУРОР НАЗОРАТИ АМАЛДА

Мамлакатимиз тараққиёти, юрт равнақи, халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксак даражада бўлишида тадбиркорлик соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлиги, уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Когон шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, Республика Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда тадбиркорликни, хусусан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш борасида ишлаб чиқилган қўшма фармойиш ижроси юзасидан жойларга чиқиб, тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Пировардида тадбиркорлар қонунлар мазмунини тушуниш билан бирга ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб, ҳуқуқий билимларини такомиллаштирмоқда. Чунончи, шаҳар ҳудудида тадбиркорлар орасида олиб борилган тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари давомида "Мусаввир давр" хусусий корхонаси раҳбарининг, АТ "Микрокредитбанк"нинг Когон филиали айрим мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари аниқланди.

Жумладан, "Микрокредитбанк" Когон филиали бош ҳисобчиси О.Файзиев ушбу банк мижози бўлган "Мусаввир давр" хусусий корхонаси ҳисоб рақамига 11 миллион 280 минг сўмлик маблағларини, 2008 йил 18 ноябрь кунида эса 3 миллион 800 минг сўм, 2008 йил 31 декабрь кунида 5 миллион 460 минг сўмлик пул маблағларини, хусусий тадбиркор "Шарипов Сами Шакарович" ҳисоб-рақамига "Мусаввир давр" хусусий корхонасига тегишли жами 20 миллион 640 минг сўм пул маблағларини ўтказиб берган. Унинг манфаатларига етказилган зарар аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан шаҳар прокуратураси томонидан 2009 йил 24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда ҳамда шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан етказилган зарарнинг ундирилиши таъминланди. Шунингдек, "Когон нон" савдо ишлаб чиқариш корхонасига 2009 йил 6 апрель кунига қадар қурилиш учун ҳақиқатда ер майдони ажратилмагани аниқланиб, шаҳар прокуратурасининг аралашувидан сўнг, тадбиркор Раҳматуллаевга новвойхона қуриш учун Когон шаҳар "Маданият" кўчасидан 600 метр квадрат ер майдони шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими мутахассисларини жалб қилган ҳолда ажратиб берилиши таъминланади.

**У.ҲАМИДОВ,**
**Когон шаҳар прокурори**

# ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозир жаҳон мамлакатларида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида юз минглаб иш ўринлари қисқараётган бир замонда келажакка умид ва ишонч билан қараб, турли жабҳаларда юқори кўрсаткичларга эришаётганимиз, кўплаб янги иш ўринлари очилаётгани Юртбошимизнинг узоқни кўзлаган сиёсати натижаси эканлигини ҳамма кўриб-билиб турибди. Бунга биз шукуроналар айтишимиз керак. Президентимиз минтақамиз ва ҳатто жаҳон хавфсизлиги масаласида нуфузли минбарлардан туриб гапириб, терроризм ва диний-экстремизм башарият бошига келиб тушган хатар деб қарашга ундади. Қайси минтақада истиқомат қилишидан қатъи назар, ҳар қандай инсон террор нима, террорчи ким эканлигини яхши билади. Шунинг учун жаҳон аҳли бутун башариятга хавф солаётган бу мудҳиш балога қарши курашмоқда, барча куч ва имкониятларни бирлаштириб, унинг олдини олиш чораларини изламоқда.

Мамлакатимизда ҳам бир неча бор террорчилик ҳаракатлари, хунрезликлар содир этилди. Юртбошимиз бу ҳақда тўхталиб, мазкур воқеаларнинг сабаблари, ёвуз кўпорувчилар ортида турган кучлар ва уларнинг мақсадларини англашга, бундай воқеалар бошқа қайтарилмаслиги учун зарур чораларни кўришга, ўзимизга тегишли хулоса чиқаришга даъват этиб, террорчилик ҳаракатларини жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш, халқимизни дунёвий, демократик ривожланиш йўлидан қайтаришга уриниш сифатида баҳолади. Мамлакатимиз раҳбари халқаро террорчилик, экстремизм, диний ақидапарастликнинг намоён бўлиши сабабларини чуқур ва батафсил таҳлил қилар экан, улар Ўзбекистоннинг бугунги куни ва келажаги учун хавфли эканлигини қайд этади. Юртбошимиз хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳар бир фуқаронинг зиммасидаги масъулиятли бурч эканлигини таъкидлаб, юртдошларимизни бундай таҳдидларга қарши курашга, мамлакатимиз ён-атрофида бўлаётган воқеалардан огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга чақирди.

Агар терроризмнинг туб илдизига разм солсак, у ўзлигини йўқотган жоҳиллар қуроли эканлигини англаймиз. Ўзбекистонда мусулмончилик эътиқоди таъқиб қилинаётганлиги учун шу йўлга кирмоқдалар деган фикр мутлоқо асоссиздир. Бу ерда ҳақиқий мусулмон билан сохта мусулмоннинг фарқини, ҳар иккисининг асл ниятини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Инсонпарвар динимиз зўравонликни қурол қилиб олган диний-экстремизмнинг ҳар қандай кўринишини инкор этиши бу ҳодисаларнинг диний асосга эга эмаслигини исботлайди.

Аслида мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ишлаб чиқилганлиги, унга кўра касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига алоҳида эътибор берилаётганлиги, Ислом университети ташкил этилиб, ёшларимизга диний ва дунёвий илмлар ўргатилаётганлиги ҳам жаҳолатпарастларга ёқмаяпти. Чунки ёшлар қанчалик маърифатли бўлиб борсалар, чинакам исломий қадриятлар билан бузғунчи ғоялар орасидаги фарқни англаб етсалар, уларнинг онгига экстремистик ғояларни сингдириш шунчалик қийин бўлишини ақидапарастлар яхши билишади.

Ўзбекистон эркин ва озод диёр. Унда фуқароларнинг барча турдаги ҳуқуқ ва манфаатлари қатори виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳам кафолатланган. Мана фикримнинг исботи: айни пайтда биргина вилоятимизнинг ўзида адлия бошқармасида рўйхатдан ўтган 182 та диний ташкилот иш олиб бормоқда.

Вилоят прокуратураси ходимлари ҳокимият вакиллари, дин пешволари, қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда фуқаролар билан учрашиб, суҳбатлар ўтказишади. Мақсад одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, амалдаги қонунлар, хусусан, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунни тарғиб этиш, умуман халқ билан ҳамнафаслик. Ана шундай тадбирлар жорий йилнинг ўтган даврида Қарши банк коллежи, иқтисодиёт коллежи, Қарши Давлат университетида ҳамда Миришкор, Косон ва Қарши туман ҳокимликларида ҳам ўтказилди.

Унда кўпроқ Ватанимиз мустақилликка эришгач қўлга киритилган ютуқлар, юртни асраш, ҳушёрлик ва огоҳлик ҳақида гап борди. Иштирокчилар бу ҳақда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, мамлакатимизда эмин-эркин яшаш, фаровонлик ва ободлик, умуман истиқболни кўзлаганлар учун барча имкон борлигини айтишди. Осойишталикнинг ўзи катта неъматлиги, самарали одимларимиз шунинг натижаси эканлигини таъкидлаш баробарида тинчлик ва тараққиётимизга таҳдид солиш пайида пана-панада пусиб юрган шумғиялар ҳам йўқ эмаслиги тилга олинди.

"Менга нима?", "Сен менга тегма, мен сенга" қабилида иш тутиш, ғофиллик, лоқайдлик каби иллатлардан буткул халос бўлишимиз, элга, юртга наф келтиришдек эзгу ният билан яшашимиз даркор, ҳеч қандай қора куч осуда ҳаётимиз, ободлик йўлидаги интилишларимизга раҳна сололмайди, дейишди тадбир қатнашчилари.

Бироқ шу ўринда бир мулоҳаза кишини ўйга толдиради. Кўчамизда, маҳалламизда етти ёт бегона одамни кўриб ҳам бир оғиз ким эканлигини, нима мақсадда келганлигини сўрашни ўзимизга эп кўрмаймиз. Ваҳоланки, мустақил ҳаётимизни кўра олмаётган, ғараз ниятлари йўлида ҳар қандай пасткашликлардан тоймайдиган ғаламислар ўз фарзандларимизни ўзимизга қарши қайраб қўяётган нарса ҳам мана шундай бепарволигимизнинг аччиқ меваси эканлиги сир эмас. Демак, ўз юртимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз керак, деган даъваткор сўзлар қалб шиоримизга айланиши даркор.

Бошқача айтганда, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш, эрку озодлигимиз қадрини баланд тутиш, кўз қорачиғидек асраш, ҳимоялаш, ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топтириш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Бу бизнинг инсоний бурчимиз, вазифамиздир. Фикримизни мухтасар айтадиган бўлсак, тинчлик, осойишталикнинг қадрига етайлик, азиз биродарлар!

**Абдурашид ЖЎРАЛОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари**

# КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ ҚАЕРГА ИШГА ЖОЙЛАШАДИ?

Мамлакатнинг тараққиёти, юрт равнақи, миллат келажаги бугун вояга етаётган ёш авлоднинг билими, жисмонан бақувватлиги, маънавий камолотига боғлиқ. "Ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди", деган гап шунчаки қуруқ гап эмаслигини ҳаётни теран тафаккур билан англайдиган ҳар қандай киши эътироф этиши, тан олиши шубҳасиз.

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишига алоҳида эътибор қаратилди. Ислоҳотларнинг таълим тизимидан бошланиши замирида: "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", деган мамлакатимиз раҳбарининг узоқни кўра билган тўғри сиёсатининг ифодаси мужассамлашган эди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилинди. Тизимда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилиб, барқарор узлуксиз таълим тизими жорий этилди.

Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган, замонавий мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун муҳташам бинолар қурилди. Бугунги кунда шинам аудиториялар, компьютерлаштирилган синф хоналари, электрон кутубхоналар, спорт заллари, ўқув лаборатория жиҳозлари, энг сўнгги русумдаги ўқув-техника воситалари талабалар хизматида.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси доирасида сифат босқичи жараёнини кузатар эканмиз, йигирма йил илгариги "Профтехучилиш"ларининг фаолияти, уларда мажбурий тарзда ўқитилган "тарбияси оғир талабалар", "мастерлар"нинг дарс бериш услубларини эслаймиз. Кадрлар тайёрлаш масаласига давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Мустақил фикрлайдиган, ўзига ишонадиган касб-ҳунарни эгаллаган талаба коллежни битирди. Энди унинг ишга жойлашиши муаммоси қандай ҳал этилади?

— Бугун касб-ҳунар таълим масканларида билимли, салоҳиятли, илғор педагогик технологиялардан фойдаланишга қодир, фаол мутахассислар талабаларга сабоқ беришмоқда. Коллежни тугатган йигит-қизлар том маънода бирор касб-ҳунар эгаси бўлишади, — дейди Бухоро вилоят касб-ҳунар таълим бошқармаси бошлиғи Нусратилло Шарипов.

— Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозорида талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг битирувчиларини сифатли тайёрлаш, уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш мақсадида вилоят ҳокимининг 2006 йил 17 январдаги 97-сонли қарори билан "2006-2010 йилларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг битирувчиларини сифатли тайёрлаш ҳамда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш вилоят дастури", касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг битирувчиларини сифатли тайёрлаш ҳамда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланишни ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган. Меҳнат бозорининг тенг шароитларда рақобатлашиш учун етарли кўникмаларга эга бўлган касб-ҳунар таълими битирувчиларини мумкин қадар тўлиқ банд этилишини таъминлайдиган муҳитни шакллантириш, вилоятнинг истиқболдаги иқтисодий ривожланиш режаларидан келиб чиққан ҳолда яратиладиган янги иш ўринларининг йўналишларини белгилаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни таъминловчи ҳамкорлик муҳитини яратиш, аҳоли ўртасида касб танлаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тарбиявий, маърифий, тарғибот ва реклама ишларини ташкил этиш мувофиқлаштирувчи кенгашнинг вазифалари этиб белгиланган.

Дарҳақиқат, вилоятдаги касб-ҳунар коллежларининг тайёрлов йўналишларини мунтазам инвентаризациядан ўтказиш, меҳнат бозори талабларини ўрганиш, ундан келиб чиққан ҳолда қабул режаларини шакллантириш, касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш манзилий дастурига ўзгартириш киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш учун енгил саноат, нефть ва газ, саноат, автомобиль йўллари, транспорт, алоқа, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, коммунал хўжалиги, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, таълим, тиббиёт, маданият, маиший хизмат, миллий ҳунармандчилик, туризм соҳалари бўйича 18 та ишчи гуруҳи тузилган. Бу ишчи гуруҳлар ҳар бир соҳанинг 10-15 йиллик ривожланиши йўналишлари, истиқболдаги натижаларидан келиб чиқиб, коллежларда тайёрланадиган касбларни таҳлил қилиб, унинг натижалари бўйича касб-ҳунар коллежларининг тайёрлов йўналишларига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар бериб боришмоқда. Вилоятда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш тизими яратилган. Вилоят ҳокимининг 2008 йил 26 майдаги фармойиши билан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашни ташкил этиш бўйича 5 та йўналишдан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Ҳар бир битирувчининг ишга жойлашиш мониторинги индивидуал юритиладиган махсус компьютер дастури орқали амалга оширилмоқда. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг эгаллаган касби бўйича турғун ишга жойлашишини таъминлаш мақсадида уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ва мазмунли ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун коллеж ва корхона, ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Битирувчи, коллеж ва иш берувчи ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланган. Бундан ташқари, битирувчиларни ишга йўналтириш туман, шаҳар ҳокимлари, коллеж директори, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман, шаҳар бўлимлари раҳбарлари томонидан имзоланган йўлланма бериш жорий қилинган. Шу билан бирга меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси билан биргаликда мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Бўш ишчи ўринлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали реклама ва эълонлар берилмоқда. Ўз бизнесини ташкил этиш истагини билдирганлар учун микрокредитлар берилмоқда.

Ўтган йилда 23 нафар битирувчига 32 миллион сўмлик кредит ажратилган эди. 2009 йилда 67 нафар битирувчи кредит олиш истагини билдириб мурожаат қилган. Жорий йилнинг 1 май куни ўтказилган меҳнат ярмаркасида 3079 нафар коллеж битирувчиси турли ташкилотлар билан меҳнат шартномаларини имзолаганлиги ҳам битирувчиларнинг иш билан таъминланиши кафолатланганидан далолатдир.

Бироқ бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи, айрим тадбиркорлар коллеж битирувчисини ишга қабул қилган бўлса-да, расмий жиҳатдан ҳужжатлаштирмайди. Ишчи кучини тўлиқ қайд этмаслик билан солиқлардан бўйин товлаб қонунбузарликка йўл қўяётган "тадбиркор" ҳужжатлари расмийлаштирилмаган ходимнинг ҳуқуқларини поймол этаётганини тушунармикан?

Ёки давлат рўйхатидан ўтмай туриб асаларичилик, тикувчилик, сартарошлик касбларини коллежда мукаммал ўрганиб мустақил иш юритаётган ёшлар ҳам бор. Битирувчиларни иш билан таъминлаш чораларини қайта кўриб чиқиш, янги иш ўринларини яратиш, маиший хизмат ва сервис, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига эътиборимизни кучайтириш даврнинг энг долзарб талаби эканлигини унутмайлик. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини, ўз кучига ишончини, эл-юртидан ғурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан ишлаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади".

**Моҳира ШАКАРОВА,**
**Бухоро вилояти «Адолат нури» газетаси бош муҳаррири ўринбосари**



# «УМИД НИҲОЛЛАРИ»ДАН — ОЛИМПИЯ ЧЎҚҚИЛАРИГА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аввало, Гулистонда мусобақаларни ҳақиқий байрамдек юксак ташкилий савияда ўтказиш учун кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Шаҳардаги "Алпомиш" спорт мажмуаси капитал таъмирланиб, кўркам спорт кошонасига айлантирилди. Беллашувлар бўлиб ўтадиган бошқа ўйингоҳлар ва майдончаларда ҳам қурилиш-ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилди. "Умид ниҳоллари"нинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 1800 нафарга яқин ёш спортчиларни, уларнинг мураббийларини кутиб олиш, жойлаштириш, маданий дам олишини ташкил этиш, овқатлантириш, тиббий, транспорт ва бошқа турли хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳал этиш учун ишчи гуруҳлари катта ҳажмда ташкилий тайёргарлик ишларини амалга оширганликларини эътироф этиш жоиз. Хуллас, мезбонлар ўйинларнинг тантанали очилиш маросимига шай бўлиб туришибди. Спортчи-ўқувчилар ўз иқтидорларини тўла намойиш этишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Мусобақаларнинг очилиш маросимини, дастурга киритилган футбол, енгил атлетика, қўл тўпи, волейбол, кураш, баскетбол, сузиш каби спортнинг 12 тури бўйича ўйинларни кузатиш учун келадиган минг-минглаб томошабинлар учун минбарларда етарлича жойлар ҳозирлаб қўйилган. Мутахассисларнинг эътироф этишича, бу йилги мусобақа иштирокчиларининг таркибида кучли ёш спортчилар кўпчиликни ташкил этади. Шундай экан, ҳар бир спорт турида ғолиблик учун кураш муросасиз кечиши аниқ.

Ҳар бир ёш спортга қадам қўяр экан, олимпия чўққиларини забт этишни, жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилиши табиий. Халқаро спорт майдонларидаги юксак шоҳсупага олиб борувчи йўл эса "Умид ниҳоллари" каби мусообақалардан бошланади. Шуниси диққатга сазоворки, "Умид ниҳоллари" ўйинлари кундалигидан жой олган спорт турлари ҳар тўрт йилда ўтказиладиган халқаро олимпия мусобақалари рўйхатига киритилган. Беллашувларни олимпия руҳида ўтказишга жиддий эътибор қаратилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермасдан қолмайди, албатта.

Бугунги "Умид ниҳоллари"да шоҳсупага кўтарилган ёш ғолиблар орасидан келгусида олимпия ва дунё спорти чўққиларини забт этиб, Ватанимиз довруғини оламга ёядиган жаҳон чемпионлари етишиб чиқса сира ҳам ажабланмаймиз.

**Бахтиёр НАЗАРОВ**

**Юртимизда амалга оширилаётганислоҳотлар ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини кенг қамраб олган. Айниқса, мактаб таълими ва ўрта махсус таълим тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Таъкидлаш жоизки, тизимда узлуксиз таълим жараёни тўлиқ шаклланди. Бу эса ўқувчиларнинг билимли ва етук кадр бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида ҳукуматимиз томонидан соҳага доир ташкилотларнинг масъулияти янада кучайтирилди. Бунда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг иш фаолиятини алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир. Зеро, Комиссиянинг юқори ва қуйи тизимларида ҳамда унинг доирасида долзарб аҳамиятга эга бўлган қатор амалий ишлар қилинаётир.**

# Доимо эътиборда

Жорий йилнинг март ойида пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида Тошкент шаҳар прокуратураси ва шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигида, шунингдек, тегишли ташкилот, муассасалар иштирокида "Ёшларни иш билан таъминлаш меҳнат ярмаркаси" ташкил этилди. Бу Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори, шунингдек Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги ва Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Ушбу меҳнат ярмаркасида пойтахтимизда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар 12 мингга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди. Унга пойтахтимиздаги лицей ва коллеж лар битирувчилари ва маҳаллаларда вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли, ишлашни хоҳловчи фуқаролар ҳам жалб қилинди. Бу тадбир аҳолининг ва биринчи навбатда ёшларимизнинг бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этди.

Маълумки, мактаб битирувчиларининг аксарияти ўз қизиқишлари ва танлаган касби бўйича таълимни давом эттиргиси келади. Ўқувчилардаги ана шу истакларни инобатга олган ҳолда жорий йилнинг 28-30 апрель кунлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Тошкент шаҳар прокуратураси ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кўргазмалар залида "Мутахассислик - сенинг келажагинг" мавзусида кўргазма ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳридаги 297 та умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари ва республика ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари иштирок этишди. Тадбир умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва битирувчилари учун келажакда мутахассислик танлашга кўмаклашиш, уларга қўйилган талаблар бўйича ўз мутахассисликларини намойиш этиш каби қатор вазифалар доирасида ташкиллаштирилди. Тадбирнинг яна бир аҳамияти шундаки, бу ерда ҳар бир таълим муассасасининг ўз йўналишларини акс эттирувчи турли хилдаги техник ва ҳунармандчилик буюмлари ҳамда ўқувчилар томонидан мустақил ҳолда тайёрланган турли экспонатлар намойиш этилди. Ушбу кўргазмали тадбир давомида аниқланишича, ўқувчиларнинг 29 минг 63 нафари касб-ҳунар коллежларида, 8 минг 270 нафари академик лицейларда ўқиш истагини билдиришди. Кўриш мумкинки, ўтказилаётган тадбирларнинг ҳеч бири ўқувчиларнинг назаридан четда қолаётгани йўқ. Аксинча, улар бундай амалий ишларга янада катта қизиқиш билан қарашмоқда.

Табиийки, ҳар бир бола билим олиш, бирон-бир касб-ҳунарга интилиш ва уни эгаллаш истагида бўлади. Уларда ана шу интилиш ва қобилиятни юзага чиқариш, тарбиялашда мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамда ижодиёт марказларининг аҳамияти жуда каттадир. Шу мақсадда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 13 майда "Куч-билим ва тафаккурда" тадбирини ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Юқоридаги дастур ва қарордан келиб чиқиб, жорий йилнинг 20-21 май кунлари ёзги таътил мавсумида мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида "Бобур" номидаги маданият ва истироҳат боғида "Куч-билим ва тафаккурда" шиори остида Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тасарруфидаги барча мактабдан ташқари таълим муассасаларининг кўргазмаси ўтказилди. Ушбу тадбирда жами 91 минг 464 нафар мактаб ўқувчиси иштирок этишди. Шу билан бирга ўқувчилар бу ерда ўрнатилган 94 та мактабдан ташқари таълим муассасаларининг 1196 та тўгаракларидан фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлари ҳам қисқа муддатли тўгарак машғулотларида қатнашишди. Тадбир давомида 60 минг 420 нафар ўқувчи тўгарак аъзолигига рўйхатга олинди. Улардан ўқувчилар ижодиёт марказлари йўналишига 19 минг 589 нафар, спорт йўналишига 23 минг 429 нафар, мусиқа ва санъат йўналишига 8 минг 105 нафар, техник ижодкорлик йўналишига 9 минг 297 нафар ўқувчи қатнашиш истагини билдирдилар. Ёзги таътил давомида барча мактабдан ташқари таълим муассасаларининг доимий фаолият кўрсатиши ва ўқувчиларнинг уларда иштирок этишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилиши алоҳида назоратга олинди.

**Олим РАИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи.**
**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Huquq» мухбири**

# КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ

**Хивалик Давлатёр Раҳим хонадонини воҳада кўпчилик билади. Давлатёр ака узоқ йиллардан бери тумандаги 10-мактабга директорлик қилса, турмуш ўртоғи Дилором Рўзиева 17-сон мактабгача таълим муассасаси мудираси. Давлатёр оғани эл аро машҳур қилган нарса — юртимизда биринчилардан бўлиб шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон ҳаёти ва ижодини ўрганишга киришгани бўлди. У кишининг ҳаммуаллифликда ёзган "Шоҳ ва шоир қисмати", "Феруз" китоблари аллақачон мухлисларнинг севимли хазинасига айланган. Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Давлатёр Раҳим ва Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси Дилором опа оиласига ташрифимиз 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида кечганлиги туфайли, хонадон соҳиблари билан суҳбатимиз бевосита шу мавзуда кечди.**

— Фарзанд, аввало оилада шаклланади, — дейди Давлатёр ака. — Халқимиз ибораси билан айтганда, "қуш уясида кўрганини қилади". Демак, ҳар бир ота-она фарзанди олдидаги масъулиятини теран ҳис қилиши лозим. Фарзандимизга болам дебгина эмас, инсон, жамиятнинг аъзоси деб қарасак, уни тарбиялашимиз осон кечади. Ахир улар бизга фақат баъзилар айтганидек, "қариганимизда боқишлари" учун керак эмас. Улар шунчаки бизнинг овунчоғимизмас. Улар орзуларимиз давомчиси, мамлакатимизнинг келажаги.

Давлатёр ака хонадонида фарзандга бундай муносабат энди шаклланганини йўқ. Бу фақат Давлатёр ака ва Дилором опалар тажрибалари маҳсули ҳам эмас.

Давлатёр аканинг боболари Пирназар бобо замоннинг ўзгараётгани ҳақида ўйлаб, ҳар қандай замон ва шароитда ҳам илмли кишилар алоҳида ҳурматга сазовор бўлишини кўрди. Шу боис ҳам ўғли Раҳимжоннинг тарбияси билан жиддий шуғулланди. Уни аввал эски усулдаги мактабда, кейинчалик Арабмуҳаммадхон мадрасасига шоир ва мударрис Абдураззоқ Фақирий тарбиясига берди.

— Отам 1926 йилдан Хива муаллимлар техникумида ўқишини давом эттирган. У кишининг шеъриятга ихлоси баланд бўлиб, ўзлари ҳам гоҳ-гоҳ шеър машқ қилиб турганлар. Отам бизга ўз ёшлиги ҳақида гапирганларида, Мажид Қиличев, Абдулла Болтаев (наққош ва хаттот) каби устозлари номини ҳурмат билан тилга олардилар, — ҳикоя қилади Давлатёр Раҳим. — У киши техникумни 1929 йилда тамомлагач, Боғот туманидаги Зейнал эшон қишлоғида янги усулдаги мактаб ташкил қилганлар. 1935-1940 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги СамДУ)да таҳсил олган отам бизга С.Айний, У.Турсунов, А.Абдуллаев. А.Саъдий каби улуғ алломалардан олган сабоқларини бот-бот ҳикоя қилардилар. Отам 56 йил ўқитувчилик қилганлар. У кишидан бизга яхши сўз, яхши амаллар мерос бўлиб қолди. Эндиликда отамнинг номи билан аталувчи мактаб, кўчалар борлиги қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдириб, у кишига муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

Албатта, сулолага асос солиш, кўпларнинг ҳавасини уйғотиш, яқинларингни орқангдан эргаштириш... буларга шунчаки даъват қилиш ёки зўравонлик билан эришиб бўлмайди. Бунинг учун шахсий ибрат кўрсатиш, барча яхши фазилатларинг билан ўрнак кўрсатишинг лозим.

Раҳим Назарий ана шундай ўзида барча инсоний фазилатларни жамлай билган, ёмон қусурлардан тийила билган инсон эди. Шу боис ҳам унинг сулоласи эндиликда элликдан зиёд давомчилари билан гужумдек шохлаб бормоқда.

— Отамиз тарбия ҳақида кўп гапирардилар. Бу борада ўқитувчининг масъулияти ота-онаникидан кам эмаслигини уқтирардилар. У киши айтиб берган кўплаб ривоятлардан бирида шундай ҳикоя қилинади: Айтишларича, бир бойнинг ўғли қаттиқ бетоб бўлиб, табиб унга ширинлик ейишни таъқиқлабди. Аммо кичкиналигидан ширинликка ўч йигитга ота-онаси ширинлик ейишни ҳар қанча таъқиқлашмасин, у одатини канда қилмабди. Йигитни уриб, калтаклаб ҳам кўришибди, фойдаси тегмабди. Фарзанди соғлиғидан хавотир олган ота-она йигитни донишманднинг олдига олиб боришибди. "Ўн кундан кейин олиб келинглар" дебди донишманд. Ўн кундан кейин ота ўғлини донишманд ҳузурига қайта бошлаб келибди. "Ўғлим, ширинлик еманг" дебди секингина донишманд ва йигитни олиб кетишлари мумкинлигини айтибди. Не ажабки, йигитча ширинлик ейишдан ўзини тийибди. Шунда ҳайрон бўлган ота-она донишманд ҳузурига келиб, "Биз ҳайронмиз, бизнинг яхши-ёмон гапимизга, уришганимизга қарамай ширинлик ейишдан тўхтамаган ўғлимизга бир оғизгина гапингиз нечук шунчалик таъсир қилди" дейишибди. "Бунинг сири олдий дебди донишманд, мен ўғлингизга ширинлик еманг деб айтиш учун ўн кун ширинликдан ўзимни тийдим..."

Давлатёр ака бир зум тин олгач, давом этади. — Отамиз ўзингда йўқ фазилатни фарзандингдан излама, ўзинг қилиб турган ишни шогирдингга қилмасликни буюрма, бефойда, дердилар.

Отасидаги кўплаб яхши фазилатларни ўзига мерос қилиб олган Давлатёр ака уларни болаларига, шогирдларига етказишга ҳаракат қилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, — дейди у киши, — "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт".

Интилувчан, билимга чанқоқ Давлатёр ака отаси таҳсил олган муқаддас даргоҳда — СамДУда илм сирларини эгаллади. Не бахтки, бу ерда у ўзи каби зиёли оила вакиласи, ўқитувчилар сулоласининг давомчиси бўлмиш Дилоромхон билан танишди.

— Муносиб турмуш ўртоғи танлай билиш — инсоннинг энг улкан бахтидир, — дейди Давлатёр оға. — Менга ана шундай толе насиб қилганидан ҳар доим қалбимда шукроналик сезаман. Ахир ота-она бир хил мушоҳада юритса, бир-бирини қўллаб-қувватласагина фарзандларини тўғри йўлга бошлай олади. Бири боғдан, бири тоғдан келадиган, фарзандлари олдида бир-бирларини беҳурмат қиладиган, уришадиган кишиларнинг болаларига катта умид билан қарашлари хато. Улар ўз қўллари билан умид дарахтининг илдизларини чопаётганликларини вақтида англаб етмасалар, эртага кеч бўлади.

— Ота-онамиз бизга ҳар доим шахсий ибрат кўрсатганлар, — турмуш ўртоғининг фикрини давом эттиради Дилором опа. — Улар биз учун

# ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТ

Истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар ташкилоти қабул қилган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"га қўшилди. Президентимизнинг фармони билан ушбу беқиёс аҳамиятга эга бўлган ҳужжат қабул қилинганининг 60 йиллиги кенг нишонланди. Жойлардаги тадбирлар ва ОАВдаги чиқишлар орқали фуқаролар унинг жаҳон тараққиётидаги роли, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва уларни тасарруф этиш учун яратилган шарт-шароитлар, қабул қилинган амалдаги қонунлар хусусидаги ўз билим ва тасаввурларини бойитишди.

Инсон ҳуқуқлари жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари - болаларга ҳам таалуқлидир. Улар вояга етгунларича оила, жамият ва давлат ҳимоясида бўлиши умумэътироф этилган мезонлардан ҳисобланади. Бу мезонлар 1959 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 14-сессиясида қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида декларация"да ўз тасдиғини топди. Ушбу тавсия характеридаги ҳужжат устида иш давом эттирилиб, 1989 йили БМТ томонидан "Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция" қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йили ушбу конвенцияни ратификация қилди.

Мамлакатимизнинг Конституциясига мувофиқ тарзда қабул қилинган "Оила кодекси", "Таълим тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонун ҳужжатларида болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат, жамият ва оиланинг таълим-тарбия борасидаги мажбуриятлари белгилаб қўйилган, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилиниши кўзда тутилган. Ана шу мақсадда давлат томонидан ишлаб чиқилган алоҳида дастурий режалар қадамма-қадам рўёбга чиқарилмоқда. Мактаб ва коллежлар, спорт ўйингоҳлари, ўқувчиларнинг техникавий ижодиёт уйлари, болалар шифохоналари, кутубхоналар таъмирланиб, янгидан қурилиб, бекаму-кўст жиҳозланмоқда. Замонавий янги ўқув дастурлари амалда қўлланилаяпти. Болаларга таълим-тарбия берувчи ўқитувчиларнинг, соғликлари учун масъул шифокорларнинг малакалари ошириляпти.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом ўсиб-улғайишлари, бекаму-кўст таълим-тарбия олишларига оид қонунларнинг жойларда бир хилда ижро этилишини таъминлаш прокуратура органларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, туман прокуратураси "Таълим тўғрисида" ва тегишли қонуности ҳужжатларининг ижросини ўрганиб, таҳлил қилиб бормоқда. Ўтган йилги таҳлилларда 6 та касб-ҳунар коллежларида давомат пастлиги аниқланди. 30-40 фоиз ўқувчиларнинг дарс қолдиришлари одатий ҳолга айланган. Маъмурият, ўқитувчилар бунга лоқайд муносабатда бўлиб келишган. Коллежларнинг касбий йўналишлар бўйича таълим-тарбия бериш учун яратилган моддий-техникавий базалари талабга жавоб бермайди. Агросаноат ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш коллежларининг ётоқхоналарида ўқувчиларнинг дарсдан бўш пайтлари мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратилмаган. Спорт билан шуғулланишлари учун зарур анжомлар етарли эмас. Коллежларнинг биронтасида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилмаган, кутубхоналар дарслик ва бадиий китоблар билан етарли таъминланмаган.

Ҳисобда турган вояга етмаганлар ўртасида олиб борилган профилактика ишлари туфайли ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олди олинди. Бироқ "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ЁИҲ дастурида кўзда тутилган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг, ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларни ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд этишдан иборат вазифаларини тўкис адо этмаган. Бўш вақтларида ғайриқонуний диний таълимга берилишларининг олдини олиш учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, халқ таълими бўлими билан самарали ҳамкорликни йўлга қўймаган. Бир қатор мактабларда спорт ва фан тўгаралари ташкил этилмаган.

Таълим даргоҳлари қатори ота-оналар ҳам фарзандларининг билимдон бўлиб ўсиб-улғайишлари учун масъулдирлар. Айрим ота-оналар эса ушбу вазифаларига бефарқ қарашган. Усмонобод қишлоғилик П.Тешабоев, чимёнлик А.Қодирқулов, Фарғона шаҳрининг Соҳибкор маҳалласида яшовчи Ж.Таджиев, Оқ-арик маҳалласида яшовчи Т.Нарматовлар тумандаги агросаноат коллежида ўқийдиган фарзандлари дарсларга мунтазам равишда қатнашмаётганлари билан муросасозлик қилиб келишган. Фарзандлари таълим олишлари учун шарт-шароит яратиб бермаган фуқаролар маъмурий тартибда жавобгарликка тортилди.

Туман прокуратураси қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан кўрган чора-тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Коллежларда ўқувчиларнинг давомати кескин кўтарилди. Ўқув даргоҳларида фан ва спорт тўгаракларининг фаолиятлари жонланди.

Болалар, айниқса тарбияси оғир вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш борасида эътиборга молик ишлар қилинди. Туманимиз маркази - Водил қишлоғидаги клуб қаровсиз эди. Туман прокуратураси ташаббуси билан таъмирланиб, "Ёшлар маркази" ташкил этилди. "Моҳир қўллар", "Ёш ижодкорлар", чеварлик каби бешта тўгаракларга 200 нафар ўқувчи болалар аъзо бўлишди. Шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан болалар кутубхонаси очилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кескин камайди. Йил бошидан бери битта ҳуқуқбузарлик содир этилди. Ота-она, маҳалла аҳли, таълим муассасаси бефарқ бўлмаганида бунинг ҳам олди олинарди.

Гуруч курмаксиз бўлмагани каби, баъзан фарзанди тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишаликка берилган шахслар ҳам учрайдики, адолатли, инсонпарвар қонунларимиз уларнинг ўғил-қизларини ўз ҳимоясига олади. Суд орқали ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзандларига васий ва ҳомийлар тайинланади. Таассуфки, ўтган йили туманимизда битта ана шундай ҳолат юз берди. Судга даъво аризаси киритилиб, фоҳишалик билан шуғулланган, вояга етмаган қизини уриб-хўрлаб, фаҳш кўчасига бошлаган Одина Гадоева (исми-шарифи ўзгартирилди) оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Болажонлик халқимизга хос азалий, олижаноб фазилатлардандир. Ота-оналар умрларини аввало фарзандларининг етук кишилар бўлиб етишишлари учун бахшида этишади. Уларни бекаму-кўст ўсиб-улғайишларини таъминлаш учун жонларини жабборга бериб ишлашади. Уйлаб-жойлаб, орзу-ҳаваслари ушалганида, ўзларини бахтиёр ҳис қилишади.

Болалар келажагимиз. Уларнинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясида. Фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш шарафли бурчимиздир.

**Маъруфжон ХЎЖАМҚУЛОВ,**
**Фарғона туман прокурори**

# МАСЪУЛИЯТ

комиллик тимсоли эди. Улар доимо "фарзандларингиз қилмишларингиздан уяладиган иш қилманглар", деб қайта-қайта уқтирганлар.

Давлатёр оға билан Дилором опа ота-оналаридан ўрганганларини нафақат фарзандлари Сардорбек, Нодирахон, Нигорахонлар тарбиясида маҳорат билан қўлладилар, балки улкан таълим-тарбия даргоҳига раҳбарлик жараёнида ҳам фойдаланиб келмоқдалар.

— Боғчамизда 70 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди Дилором опа. —Уларга ўз фарзандимиз деб қараймиз, яхши хислатларини топиб юксалтиришга, камчиликларини бартараф қилишга ҳаракат қиламиз. Фаолиятимизга янги педагогик технологияларнинг кириб келиши бирмунча жонланишларга сабаб бўлди. Илгарилари, болаларга "келинглар машқ ишлаймиз" десак, афтларини бужмайтириб қарашарди. Энди "Келинглар, ўйин ўйнаймиз" деймиз. Уларга бермоқчи бўлган барча билимларимизни ана шу ўйинларга сингдириб юборамиз. Бу эса болажонларимизнинг уларни тез илғаб олишига сабаб бўлмоқда.

Давлатёр ака раҳбарлик қилаётган мактабда ҳам муваффақиятлар етарли.

Ўқувчилар билан индивидуал ишлаш, ҳар бир ўқувчини истеъдодига яраша машғулотларга, тўгаракларга жалб қилиш ўз самарасини бермоқда.

Давлатёр оға ҳам, Дилором опа ҳам болаларга биринчи галда она тилимизни, тарихимизни ва қонунларимизни ўргатишимиз керак деб ҳисоблашади. Бу уч тармоқ улар ҳаётида муҳим ўрин тутишларини таъкидлашади.

10-сон умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг тарих ва ҳуқуққа оид билимларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар битирувчилар орасида кўплаб ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари етишиб чиқишига сабаб бўлаётир. Ўқувчилар ҳар доим ҳуқуқ ва тарихга оид билимлар танловининг туман, вилоят босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Директордаги ижодкорлик, тарихга, аждодларимизга ҳурмат ҳамкасбларга ҳам "юққан". Улар ҳам бу борадаги ўз билимларини мунтазам мустаҳкамлаб, ўқувчилар қалбига чуқурроқ сингдиришга ҳаракат қиладилар.

— Гулчеҳра Абдиримова, Дилором Абдушарипова каби олий тоифали ўқитувчиларимиз билимдонлиги, касбига садоқати, болаларга меҳри баландлиги туфайли ўқувчилар меҳрини қозонишган, — дейди директор. — Биз ўқитувчилар жамоаси "Боланинг бегонаси бўлмайди" деган ақидага амал қиламиз. Ҳар бир ўқувчимизга ўз фарзандимиз деб қараймиз.

Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни асосида мактабнинг икки ўқувчиси уйида таълим олмоқда. Директор тез-тез улар хонадонида бўлиб, шарт-шароитлари билан танишади, болаларнинг орзулари, режаларини ўртоқлашади. Ибратли ҳикоялари билан уларга далда беради, иродали бўлишга даъват этиб, олдинда уларни саодатли онлар кутаётганини уқтиради.

Мактабда таҳсил олаётган 69 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ҳам директор эътиборида. Улар бепул кийим-бош, ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминланган. Ҳар куни бепул иссиқ овқат йўлга қўйилган.

Ўқувчиларни Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан янада яқинроқ таништириш мақсадида Г.Абдиримованинг ташаббуси билан мактабда "Тарих музейи" ташкил қилинди. Эндиликда музейни экспонатлар билан бойитишга ўқувчилар ҳам қизиқиб қолишган.

Сабоқлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида "Ичон қалъа" музейи билан тузилган шартномага мувофиқ адабиёт, тарих, ҳуқуқ ва география дарслари кўпинча музейларда олиб борилади.

Яратилган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан ўқувчилар ўз истеъдодларини кенгроқ намоён қилишга уринмоқда.

7-синф ўқувчилари Аминбой Абдуллаев, Саиданбар Қурбоновлар қўл жанги бўйича республика чемпионлигини қўлга киритишганида бутун жамоа уларнинг қувончига шерик бўлди. Матлуба Ибрагимова, Бунёд Собиров каби ўқувчилар расм ишлаш бўйича вилоят кўрик-танловида ғолиб чиқишганида улар шаънига айтилган илиқ фикрлар, билдирилган умид ва ишонч болажонларнинг қадамларини янада дадил қилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин...

...Давлатёр оға ва Дилором опа билан суҳбатимиз мароқли кечди. Улар иш ва ҳаёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, фарзанд тарбияси ҳақида бир-биридан ибратли мулоҳазалар билдирдилар. Уларнинг фикрича "Бола табиатнинг мўъжизаси. У дўконда сотилмайди. Демак, болага овунчоқ сифатида қараш ярамайди. Уни туғилганиданоқ инсон сифатида қабул қилишимиз ва инсон деб ёндошмоғимиз керак".

Юқорида айтиб ўтилганидек, улар бизнинг келажагимиздир. Ҳар биримиз келажак олдидаги масъулиятни ҳис этиб туришимиз лозим.

**Улли БОБОЕВ, журналист**

# БОЛАЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ



Дунёда мамлакатлар кўп, халқлар сони ундан ҳам кўп. Бироқ, менимча, уларнинг ҳеч қайсиси фарзанди учун бизнинг миллатчалик қайғурмаса керак. Юртдошларимиз бутун умр боласини ўйлайди, не яхшилик бўлса унга бўлсин дейди. Улғайтиради, ўқитади, уй-жойли қилади. Шунда ҳам тинчимайди, энди невараларнинг ташвишини бошлайди.

Шу ўринда бизда фарзанд тарбияси бир киши ё бир оиланинг эмас, балки бутун маҳалла-кўйнинг зиммасидаги иш эканлигини таъкидлагим келади. Шунданми, юртимизда жамоавийлик руҳи кучли. Қувончли кунларда ҳам, ташвишли кунларда ҳам ёлғизланиб қолмаймиз. Умуман олганда, бир-биридан узлуксиз ҳол-аҳвол сўраби туриш, керак бўлганда ёрдам қўлини чўзиш халқимизнинг азалий қадриятларидан саналади.

Мен бу гапларни бекорга айтаётганим йўқ. Узоқ йиллардан бери бундай мурувватни кўрмагандим. Очиғини айтганда, Беруний туманидаги 18-мактабгача таълим муассасаси (мудираси Г.Примова)1972 йили ишга туширилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида айтарли даражада таъмирланмаганлиги учун шароити яхши эмас эди. Икки йилча олдин Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодировнинг туманга ташрифи қувончли воқеа бўлди. Бош прокуроримиз келажагимиз ворислари бўлган болажонларнинг шароитини яхшилаш керак деб ташаббус кўрсатди.

Бу ташаббусни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес раиси Муса Ерниязов, ўша вақтда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори бўлиб ишлаган Ҳакимбой Ҳалимов, туманнинг собиқ прокурори



Мирзаҳмад Айманов, элимизнинг мурувватли инсонлари қўллаб-қувватлашди. Уларнинг беминнат ёрдами билан боғча тўлиқ таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозир унда 136 нафар бола тарбияланаяпти. Ўринлар тўлган бўлишига қарамай навбатда турганлар бор. Ота-оналарнинг талаби инобатга олиниб, қўшимча равишда яна 20 нафар болани боғчага жалб қилиш имкони топилди.

— Болалар келажагимиз. Улар доимо диққат-эътиборимизда бўлади, — дейди Беруний тумани прокурори Азамат Юлдашев. — Ҳали вақти келиб, бу ерда тарбияланаётган болалар, Беруний бобосидек юртимизни дунёга танитувчи олимлар, прокурор, врач, ўқитувчи, спортчи, муҳими, мард ва саховатли, элим деб, юртим деб ёниб яшовчи инсонлар бўлиб етишишига аминмиз.

**Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,**
**«Huquq» мухбири**

**Суратда: туман прокурори А.Юлдашев боғча тарбияланувчилари даврасида.**

*Мазкур жиноят тафсилоти билан танишиш жараёнида хизмат сафари билан Бухоро шаҳридаги вилоятлараро ихтисослашган меҳрибонлик уйига боришга тўғри келди. Кароватчаларда ётган, жисмоний нуқсон билан туғилган ногирон болаларни кўриб, руҳиятим синди. Мажруҳ, почор, бировнинг ёрдамисиз ҳатто овқатлана олмайдиган, махсус тиббий асбоблар орқали нафас олаётган болакайнинг уволи, иродаси мўртлашиб, боши берк кўчада сарсон-саргардон хуморини қондириш учун ҳар қандай қабиҳликка тайёр жиноятчининг ажри...*
*Гиёҳвандлик воситасини етиштириб, парваришлаётган, қинғир йўллар билан, баъзан ҳаётини хавф остига қўйиб уни олиб ўтиш, пуллаб бойиб кетиш йўлида одамийликни унутаётганлар увол, гуноҳ деган сўзларнинг луғавий маъносини англашармикан?*
*Руслан Ибрагимов, Руҳиддин ва Фахриддин Нуралиевлар Сурхондарё вилоятидан. Уларни бир жиноят бирлаштириб, ҳамкор қилди. Шу жиноят туфайли учовлон суднинг қора курсисига ўтиришди. Балки, орадан ўн саккиз, ўн тўққиз йил ўтгандан сўнг улар бугунги қилмишлари нечоғлик қабиҳ эканлигини янада чуқурроқ англашар?!.*



# УВОЛДАН ҚЎРҚИНГ

2008 йил октябрь ойининг охирлари. Руслан Термиз шаҳри бозорида "тасодифан"(зеро, тасодифан танишиб, жиноий шерик бўлиш қийин масала) Тожикистон Республикаси фуқароси Абдумалик билан танишиб қолди. Шундай учрашувларнинг бирида Абдумалик "очилди".

— Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш...

— Биз таниш-билиш эмас, қариндош бўлиб кетдик, деяверинг, — Абдумаликнинг кафтига дўстона уриб қўйди Руслан.

— Шунинг учун ҳам кўнглимга келган таклифни айтмоқчиман, — узоқ ўйланиб турди Абдумалик.

— Бизда анави "савил дори"дан бор эди... Шуни Хоразмга етказиш керак. Албатта хизмат ҳақи сизни хурсанд қилади.

Руслан "хизмат ҳақи" тўғрисидаги гапдан сўнг бу қалтис ишга қандай қилиб рози бўлганини сезмай қолди.

— Майли ака, сиз нима десангиз — шу.

Руслан орадан 3-4 кун ўтказиб келишилгандек, яширин йўллар орқали Тожикистонга ўтди. Абдумаликникида меҳмон бўлиб турганида яна бир киши билан танишди.

— "Товар"ни манзилга эсономон етказиб берсангиз, 5 минг АҚШ доллари сизники.

"Шедрий экан", хаёлидан ўтказди Руслан бу "келишув" бошига бало ёғдириши ҳақида ўйламай.

"Дори"ларимизни Сариосиё тумани ҳудудига ўтказиб берсанглар бўлди, у ёғини бир амаллардим...

— Келишдик, — хурсанд бўлишди мезбонлар.

Абдумалик Русланни ўзи биладиган йўллар билан олиб ўтаётганида қулоғига пичирлади: "Товар" тайёр бўлганда ўзим хабарини етказаман".

25 ноябрь куни Руслан Термиз шаҳрида Абдумаликни учратиб қолди.

— Э... э, оғайни, зўрмисиз энди?

— Юрибмиз акам қачон хабар келтирадилар деб.

— Тайёр бўлди, — пичирлади Абдумалик. — Бу ёғини диққат билан эшитинг. Сиз билан эртага, шанба куни қоронғу тушганда Сариосиё туман чегара ҳудудидаги қабристонда учрашамиз. "Героин"ни олиб келадиган машинага ерёнғоқ мағзини сотиб олиб, ортасиз. Йўлда "операция"ни "покриват" қилиш учун.

— Ҳаммасини "есть" қиламан ака, хавотир олманг.

Руслан ўзига шерик топишга қийналмади. Қариндоши Руҳиддинга мурожаат қилди.

— Машинангизда Хоразмга бориб келсак, 1000 доллар бераман.

— Гап йўқ, ука. Аммо иш битгач, қочмайсан.

— Биз мардмиз-ку.

Р.Нуралиев бошқарувидаги "УАЗ" русумли автомашинада Денов тумани ҳудудига бориб, деҳқонлардан ерёнғоқ сотиб олишди.

Кундуз куни қабристон олдидан ўтса, юрагини ўлим хавфи босадиган Руслан тунда шерикларини қўрқмасдан кутиб олди.

— Бу ерда ўн килограмм. Хоразмда, мева-сабзавот бозорида сизни менинг одамим кутиб олади. Беш минг "кўк"ини ўша беради. Мана бу 1 миллион 700 минг сўм йўл харажатлари учун.

10 дона целофандаги "героин"ни бўлакларга бўлиб, алоҳида-алоҳида 20 та цилиндрсимон ўрам қилишиб, автомашина ўриндиқлари остига жойлаштиришди.

Жиноятга Нуралиевнинг акаси Фахриддин ҳамкор бўлиб қўшилди.

— Машинамга икки киши сиғади. Хўп десангиз, сиз билан Хоразмда учрашамиз.

— Фарқи йўқ. Мана бу 300 минг сўмга машинамизга ёнилғи сотиб оларсиз...

1 декабрь куни Сурхондарёдан йўлга чиққан 9 килограмм 542 грамм героин ерёнғоқ ортилган машинада Хоразм томон йўлга чиқди.

Русланнинг Қарши шаҳридан Хоразмга қатнайдиган киракаш машинага ўтиргандан юраги гаплана бошлади. Йўл чарчоғи билан кўзи илинибди. Кўзини очиб қараса, Ромитон туманидаги "Чандир" йўл-патруль маскани...

Руслан Руҳиддин ва Фахриддин билан гаплашаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини кўриб, гап нимадалигини тушунди. "Ҳаммаси тамом. 5000 "кўк"и ҳам.., бошқаси ҳам..."

Ҳа, оқибатини ўйламайдиган инсон боши пушаймон деворига "тақ" этиб теккунга қадар, алмойи-алжойи ҳаракатларни ҳам, хомхаёлларни ҳам ақл билан эмас, нафс билан бошқаради. Оғриқдан кўзи "ярқ" этиб очилганда эса кеч бўлади.

**Олим ЮЛЛИЕВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

***"Ёшлик бебошлик", деган гап бор халқимизда. Дарҳақиқат, инсон ҳаётининг бу палласи шўхлигу бебошликларга тўлалиги билан ҳам завқли. Аммо ҳар нарсада меъёр, чегара бўлгани маъқул. Акс ҳолда беозордай туюлган шўхликлар ҳам каттагина жиноятларга сабаб бўлиб қолиши мумкин экан. Вояга етмаган Нурбек, Назир ва Комиллар (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) кўча чангитиб юрган шўх йигитчалар эди. Аммо бир гал уларнинг шўхлиги чегарадан чиқиб, йигитчалар жиноят кўчасига кириб қолишди. Жиноят эса ҳеч қачон жазосиз қолмаган.***



# ТАЛОНЧИ ЙИГИТЧАЛАР

Куз кунларининг бирида, аниқроғи ўтган йилнинг 24 ноябрида уч оғайни Нурбек, Назир ва Комилжонларнинг кўнгли автоуловда шаҳар айланишни тусаб қолади. Бунинг ҳеч қандай қонунга зид жойи йўқ, албатта. Гап шундаки, йигитчаларнинг ҳеч бирида ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ эди. Шунга қарамай Нурбек ҳовлисидаги "Тико"га шерикларини ўтирғизиб олди-да, машинани серқатнов кўчага ҳайдаб чиқди. Бу билан уларнинг бебошлиги тугаганда, эҳтимол биз бу жиноят тафсилотини ёзиб ўтирмаган бўлар эдик.

Катта йўлда қувонч ичига сиғмай, ёнма-ён кетаётган автобус ичидагиларга қараб турли қилиқлар қилиб бораётганларида автобус деразаси олдидаги ўзлари тенги икки йигитча уларнинг эътиборини тортди.

— Анави икки сўтакнинг туришига қараб калламга бир фикр келди, — деди уларни шерикларига кўрсатиб Нурбек. — Четроққа олиб чиқиб сал турткиласак, борини чиқариб берадиганга ўхшаб кўринаяпти.

— Қўлидаги телефонига кўзинглар тушдими? Нақд ярим миллион туради ўша телефон, — унинг гапини давом эттирди Комил. — Атайлаб кўз-кўз қилди "сотка"сини.

— Бундай қиламиз, — дона-дона гапириб, шерикларининг диққатини торди Нурбек, — Секин автобуснинг орқасидан бораверамиз. Анавилар қайси бекатда тушишини кузатамиз. Тушганларидан кейин олдиларига бориб атайлаб жанжал чиқарамиз. Сўнг четроққа олиб чиқсак, бўлди, марра бизники.

Йигитчалар шу пайтгача бунақа иш қилмаганлари учун ҳеч бири чурқ этмади. Бир муддат ўтиб, ўша телефонни қўлга киритишни ич-ичидан истаб турган Комил "келишдик" деди. Унга Назир ҳам қўшилди. Хуллас, ўзларини ашаддий жиноятчилардай ҳис қила бошлаган йигитчалар "ўлжа"ларининг изидан тушишди.

Бекатлардан бирида улар кузатиб келаётган икки йигит, афтидан коллеж талабалари автобусдан тушиши билан "Тико"ни четроқда тўхтатган Нурбек шерикларини уларнинг олдига бошлаб борди.

Ҳеч нарсадан ҳеч нарса олдиларига бостириб келган болаларни кўриб анави икки йигит шошиб қолишди. Бири дадилроқ экан, улар билан гап талаша бошлади. Нурбекка шу керак, эди: у "бўпти, четроққа чиқиб гаплашамиз" деб уларни машинасига чиқишни талаб қила бошлади. "Бўлмаса ўзларингга ёмон бўлади, санларни тинч қўймаймиз" деб дўқ ҳам уриб қўйди. Бир муддат иккиланган йигитлар бири-бирига қараб олишгач, индамай "Тико"га чиқишди.

Нурбек машинани хилват кўча томонга ҳайдади. Бу пайтда машина ичида йигитчаларни турткилаб, шаштини пасайтириб олган Комил навбатма-навбат уларнинг папкаларини титкилай бошлади. Улардан бирининг талабалик гувоҳномаси ичидан 100 АҚШ доллари чиқиб қолди.

Буни кўриб Нурбекнинг жаҳи очилди:

— Ие, бу қанақаси? Ўзинг бир студент бўлсанг, долларни нимага олиб юрибсан? Сенга бу пул оғирлик қилади.

— Тўғри, — шеригининг гапини маъқуллар экан, Комил долларни чўнтагига урди.

— Бер буёққа, — шундай деб талаба йигит унинг қўлларига ёпишди.

— Жонинг юз долларга арзимайдими, — Комил шундай деб унинг биқинига пичоқ тиради. Пичоқни кўрган йигитчанинг нафаси ичига тушиб кетди.

Сўнг талончилар уларнинг қўл телефонлари ва бошқа майда-чуйдаларини ҳам тортиб олишди. Бор-будидан айрилган йигитчалар индамай машинадан тушиб қолишди.

"Тико" улардан узоқлаша бошлаганда талаба йигитлардан бири унинг олдига югуриб чиқди.

— Болалар, ҳазиллашмаларинг, нарсаларимизни қайтариб беринглар. Оқибати ёмон бўлади, — деди у йиғи аралаш.

Назир шерикларига "шошманглар" деди-да Комилнинг қўлидан пичоқни олиб машинадан тушди.

— Нима қиласан қайтармасак? Мелисага сотасанми? — у йигитчанинг олдига бордида, пичоқни кўрсатиб, — Менга қара, ҳўв олифта! - деди жаҳл билан. — Жонингдан умидинг бўлса, жим юр. Бўлмаса, шу пичоқ билан жигарингни суғуриб оламан!

Унинг дағдағасидан ҳуши бошидан учган йигитчани шериги қўлларидан тортқилаб четга олди.

Учовлон қийқириб кулганларича воқеа жойидан жўнаб қолишди.

Улар қўлга киритган нарсаларини ўзаро бўлиб олишди. 100 АҚШ долларини сўмга алмаштириб, уни ҳам тенг бўлишди.

Талончилик билан топилган мўмай пул Н.Содиқов, К.Ғиёсов ва Н.Абдураҳимовларни бошқа жиноятларга бошлаши ҳам мумкин эди. Аммо бундай бўлмади. Жабрланувчиларнинг ўз вақтида ҳуқуқ-тартибот органларига қилган мурожаати сабаб, қисқа муддат ичида жиноятчилар қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг ҳукми билан уларга қонуний жазо белгиланди.

**Фотима АЗАМАТОВА,**
**Юнусобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олганлиги, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди.

Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бунинг натижасида мамлакатлараро миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгайди.

Ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам кузатилмоқда. Одам савдоси ҳам ана шундай жиноятлардан биридир. Ушбу жиноятнинг чегара ва ҳудуд танламаслиги, унинг халқаро хавфлилигидан далолат беради.

Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси ҳатто миллат генофондига реал хавф туғдиради.

Афсуски, бундай ҳолатлар республикамизда ҳам мавжуд, фуқароларимиз турли алдов ва фирибгарликлар таъсирида одам савдоси қурбонига айланмоқдалар. Маълумотларга кўра, охирги беш йилда республикамизда 5 минг нафардан ортиқ шахс одам савдоси билан билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган.

Албатта, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жиноий уюшмалар ёки жиноий гуруҳларнинг фаолиятига барҳам бериш учун қонунчилик базасини мустаҳкамлаш юзасидан салмоқли чоралар кўрилмоқда.

Давлатимиз 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протоколлар ҳам ратификация қилинди.

2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилингач, мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш билан бирга жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси шахснинг қадр-қимматини ҳимоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган бўлиб, ушбу модда "Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш" деб номланган ҳамда максимал жазо муддати 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этиш қилиб белгиланган эди. Бундан ташқари ушбу жиноятни содир этганлик учун жазо тури сифатида озодликдан маҳрум этиш жазосидан ташқари жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ жазоси каби муқобил жазо турлари назарда тутилган эди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси одам савдоси деб номланди ҳамда ушбу жиноятни содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Яъни жиноятни содир этганлик учун фақат озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилиши белгилаб қўйилди ҳамда жазонинг максимал муддати 8 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум этиш қилиб белгиланди. (ЎзР 16.09.2008 йилги. ЎРҚ-179-сон)

Амалга оширилган ишлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиши кўрсаткичлари яхшиланди. Агар 2007 йилда жами 300 дан ортиқ бундай ҳолат аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич деярли 2,5 бараварга ошган.

Бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифасидир. Бундай жиноятларнинг олдини олишда аҳоли ҳуқуқий маданияти ва онгининг юқори бўлишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, оммавий-ахборот воситалари орқали одам савдоси жиноятининг оқибатлари ҳамда ушбу жиноятни келтириб чиқарувчи сабабларни аҳолига кенгроқ тушунтириш ишлари, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир вазифалар янада жадаллаштирилиши лозим. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик ижобий самара беради.

**Хуршид КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси**

# Такрорий ядро синовлари



2009 йил 25 май куни Шимолий Корея ўз тарихида иккинчи марта ядровий портлатиш қурилмаларини синовдан ўтказди. Бомбадаги заряд қуввати тахминан 10-20 килотоннани ташкил этади. Ядро қурилмаси портлатилганидан кейин Пхеньян расмий доиралари синовларнинг муваффақиятли ўтганлик фактини тасдиқладилар. Ядро қуролини портлатиш билан бир вақтда КХДР кичик радиусдаги янги ракеталарни учирди. Ўша куни Шимолий Корея ҳарбийлари "ер-ҳаво" тоифасидаги яна иккита ракетани учирдилар. Улар осмондан туриб, ядро синовлари ўтказилган жойларни тадқиқ этаётган Американинг разведкачи самолётларига қарата отилган эди.

25 май куни кечқурун БМТнинг хавфсизлик кенгаши КХДРнинг хатти-ҳаракатларини бир овоздан қоралади ва Шимолий Корея бўйича янги резолюция тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

26 май куни КХДР синов тариқасида яна иккита ракета учирди.

# КХДР сулҳни бузди

AFP ахборот агентлигининг хабар беришича, 27 май куни Шимолий Корея маъмурияти 1953 йилда иккала корейс давлати ўртасидаги урушга хотима қўйган вақтинчалик сулҳ шартлари билан ўзини боғлиқ ҳисобламаслигини ҳамда зарурият туғилганда ўзларининг рақиби бўлмиш Жанубий Кореяга ва уни қўллаб-қувватловчи давлатларга ҳарбий зарба бериши мумкинлигини баён қилган.

Шимолий Корея томонидан эълон қилинган расмий баёнотда айтилишича, КХДР ўзининг ғарбий соҳилларида сузиб юрган кемаларнинг хавфсизлигига кафолат бера олмайди. "Республикага нисбатан ҳар қандай душманона хатти-ҳаракат, шу жумладан, Шимолий Корея кемаларини тўхтатиш ва уларда тинтув ўтказишга қарши ҳарбий зарба берилади", дейилади ҳужжатда.

КХДР томонидан қўлланилган ушбу демарш Сеулнинг оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши кураш дастурига қўшилганлигига нисбатан ўзига хос бир жавоб бўлди.

Ушбу дастур АҚШ томонидан 2003 йилда тузилган эди. Ундан кўзланган асосий мақсад оммавий қирғин қуролларини яратишда фойдаланиладиган материалларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш ва пайини қирқишдан иборатдир.

25 майда БМТнинг кўрсатмаларига зид равишда ядро қуролининг янги ер ости синовларини амалга оширган Шимолий Кореянинг фикрича, Жанубий Кореянинг PSI га қўшилиши КХДРга қарши душманона қаламдир. "Бизнинг ҳарбийларимиз, — дейилади КХДР баёнотида, — АҚШ ўзининг "шотирини" (Жанубий Кореяни) PSIга қўшилишга мажбур қилганликлари боис энди ўзларини 1953 йилдаги вақтинчалик сулҳ шартлари билан боғлиқ деб ҳисобламайдилар".

Яраш битими 1953 йили 27 июлда имзоланган эди. Ундан аввал, икки йилу 19 кун давомида 1076 марта турли музокаралар ўтказилган. Тинчлик шартномасига айланолмаган яраш битимида 38 параллел бўйича 4 км.лик ҳарбийсизлаштирилган зона ташкил қилиш назарда тутилган эди. КХДРнинг вақтинчалик сулҳ шартларини инкор қилиши ҳарбийсизлаштирилган зона бўйлаб Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидан ўтадиган ҳарбий демаркацион линиянинг тан олинмаслигини англатади.

# Ракета синовлари

"Ренхап" ахборот агентлигининг хабар беришича, Шимолий Корея кичик радиусда таъсир этадиган бир ракетани синаб кўрган. Бу синов амалга оширилганлигини Жанубий Корея президенти маъмуриятидаги манба ҳам тасдиқлаган. Кемаларга қарши отиладиган бу ракета Япон денгизида сешанба куни Москва вақти билан соат 16.00 да отилган.

Бу ракета 25 майдан бери отилаётган олтинчи ракетадир. Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича бу ракеталардан иккитаси Американинг разведкачи самолётларига қарши отилган.

Барча ракеталар КХДРнинг шарқий соҳилларидан, баъзи маълумотларга қараганда Мусудан бурнидан отилган.

25 май куни КХДР ядро синовларини самарали амалга оширганидан кейин ракеталарнинг отилиши бошланган. Ядро қуролининг қуввати тахминан 10-20 килотоннага тенгдир.

БМТнинг хавфсизлик кенгаши 25 май куни Нью-Йоркда ўтказган тезкор мажлисида Шимолий Кореянинг ядро синовларини ўтказганлигини қоралади ва тегишли резолюция қабул қилди. Хавфсизлик кенгаши баллистик ракеталар отилганлигига боғлиқ равишда яна битта резолюция қабул қилиш ниятида.

AFP ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг хавфсизлик кенгашидаги доимий вакили Сюзан Райс резолюцияни ишлаб чиқиш учун қўшимча вақт талаб этилади, деган фикр билдирган.

РИА Новости ахборот агентлигининг хабар беришича эса Россиянинг БМТдаги доимий вакили Виталий Чуркин сешанба куни хавфсизлик кенгашида бир учрашув бўлиб ўтганлигини, унда резолюциянинг баъзи бир жиҳатлари муҳокама этилганлигини, аммо биронта конкрет қарор қабул қилинмаганлигини айтган.

# Владивостокда талабалар митинги

27 май куни Владивосток Иқтисод ва сервис давлат университетининг (ВГУЭС) 200 яқин талабалари ва ўқитувчилари КХДРнинг ядро синовлари ўтказганлигига қарши эканлигини билдириб митинг ўтказдилар, деб хабар беради Интерфакс. Фаоллардан бири - ОУЮнинг талабалар кенгаши раҳбари митинг иштирокчилари ядро синовларини тўхтатиш талаби билан Шимолий Кореяга резолюция тайёрлаётганлигини ва улар КХДРнинг Находкадаги элчихонасига мурожаат қилишини айтди.

"Биз ядро синовларига қаршимиз, аммо жаҳон жамоатчилигининг Шимолий Кореяга нисбатан ўта қаттиқ репрессив чоралар қўллашини хоҳламаймиз", - деди митингда сўзга чиққан талабалардан бири. Митинг иштирокчиларидан яна бири БМТнинг хавфсизлик кенгашини КХДРдаги вазиятга боғлиқ равишда резолюция қабул қилишга чақирган ва шундай деган: "Агар фалокат юз берадиган бўлса, бу ҳақдаги хабар БМТнинг хавфсизлик кенгашига етиб боргунга қадар Приморск ўлкаси ер юзидан ғойиб бўлади".

Эслатиб ўтайлик, яқинда РФ Бош штабининг вакили: "Шимолий Кореянинг ракеталари Россия учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Россиянинг ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари доим тайёр ҳолатда турибди", деб хабар берганди.

# Президент сайловлари



24 май куни Мўғулистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Мўғулистоннинг амалдаги президенти, Мўғулистон халқ-инқилобий партияси вакили Намбарин Энхбаяр ва мухолифат вакили Демократик партия раҳбари Цахиагийн Элбэгдорж бу сайловларда асосий рақиблар бўлиб майдонга чиқдилар. Тахминий маълумотларга қараганда, рақиблар қарийб тенг овозлар тўплаган бўлсалар-да, 25 май душанба куни кимга қанча овоз берилганлиги расмий эълон қилинмасдан туриб, Намбарин Энхбаяр ўзининг енгилганлигини тан олди. Мўғулистонда ҳокимият алмашганлигига қарамасдан, мамлакатнинг сиёсий йўналишида кескин ўзгаришлар бўлмаса керак. Мўғулистон халқ партияси 1992 йилдаёқ марксизм-ленинизм ғояларидан воз кечиб, либерал-бозор муносабатлари йўналишига ўтиб олган. Мухолифатнинг ҳам амалдаги ҳукумат таркибида анчагина вакиллари бор. 1990 йилларнинг бошлариданоқ мамлакатда икки партиялик тизим юзага келган. Мўғулистон халқ партияси ҳамда Демократик партия бир-бирини алмаштириб туради, баъзан иттифоқда коалицияда фаолият кўрсатади.

Сайловолди курашларида ҳам сиёсат ёки давлат қурилишларига эмас, балки иқтисод ва ижтимоий соҳага доир масалалар биринчи ўринга қўйилган. Бунинг сабаби шундаки, Мўғулистон жаҳон молиявий инқирозидан жуда қаттиқ жабрланган, шу боис фуқароларни сиёсий масалалардан кўра озиқ-овқат масалалари кўпроқ қизиқтиради.

2008 йилда мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатлари жуда пасайиб кетди. Жаҳон бозорида хомашё баҳоларининг тушиб кетганлиги Мўғулистонга қаттиқ таъсир кўрсатди. 2008 йилда мамлакат ҳудудида фойдали қазилмаларни излаб топиш ва сотишдан тушадиган даромадлар мамлакат бюджетининг 48 фоизини ташкил этган. Четдан келадиган инвестициялар оқими кескин камайиб кетган. Пулнинг қадрсизланиши ўртача 28 фоизни ташкил этган. Даромадларнинг камайиб кетиши албатта, ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришни камайтиради. Мўғулистонда аҳолининг 3/2 қисми ўта камбағал ҳолатда яшайди. Шу боис, мамлакат президентлигига талабгорлар сайловчиларга халқнинг моддий фаровонлигини оширишга ваъда берганлар. Намбарин Энхбаяр мамлакатда таълим таъзимининг бепуллиги сақлаб қолинишини ва талабаларга бериладиган стипендияларнинг оширилишини ваъда берган. Цахиагийн Элбэгдорж эса фойдали қазилмалардан тушган даромадни аҳоли ўртасида тенг тақсимлашни ваъда берган.

# Мажбурий қўниш

РИА ахборот агентлигининг хабар беришича, Тюмень-Тошкент йўналишида учаётган "Боинг-755" йўловчи самолёти 27 май куни Астанадаги халқаро аэропортга қўнишга мажбур бўлган.

Қутқарувчилар вакилининг сўзларига қараганда, воқеа Москва вақти билан 3:04 да содир бўлган. Салон эшиклари орасидан ичкарига ҳаво оқимининг кириб кетиши сабабли учувчилар самолётни қўндиришга мажбур бўлишган. Маълумотларга қараганда, самолётда 13 нафар экипаж аъзолари ва 94 нафар йўловчи бўлган. Уларнинг ҳеч бири жароҳат олмаган. Нега самолёт эшиклари орасидан ҳаво, сув, товуш кабиларнинг ўтадиган бўлиб қолганлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

Internet хабарлари асосида Йўлдош ПАРДА тайёрлади

# Қисмат

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

— Бунча чиройли, дадаси...и. Қаердан олдингиз? Бу "ночнужка"ни кийсам... Жинни бўлиб қоласиз-ку...

— Кий, кий, бошимни оғритма. Бунча шанғиллайсан? Жуда эрка бўлдинг. Умидани ҳам бир ҳафтадан бери онамга бериб қўйдинг...

— Ана шунақа эркаман-да. Ойижон ўзлари олиб қолдила... Бувиси тарбиялаган қизлар зўр бўлади...

Хоб кўйлакни кийгач, Мавжуда тинчланиб қолди. "Яхши ҳам хона қоронғу-я... Бунча юпқа мато экан..." шивирлади у...

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Кузак шамоли бироз этни жунжиктиради. Эрини кузатиб қўйиган келинига зимдан қараган Орзигул аянинг юраги "шув" этди. "Бироз тўлишиб қолибдими... Ҳомиладор бўлса-чи?.. Ёки семирибдими?...

Нонушта дастурхонини йиғиштираётган Мавжудага тикилиб қолган аяни келиннинг гапи ҳушёр қилди.

— Ҳа, ойижон, нега қараб қолдингиз?

— Йўғ-а, кўзим йўл кўраяпти. Меҳмон келадими...

— Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан. Биринж, гўшт, ёғ бор. Томорқада помидор қизариб ётибди. Шуни ҳам ўйлайсизми, ойижон...

— Яхши айтдингиз, болам. Пешинда бир ош қилинг. Иброҳим ҳам келаман деб турувди.

Ошга тайёргарлик кўраётган Мавжуда қайнотаси учун гўштни янчиб шўрвача қўйишни унутмади. Ошхонадан ўқчиб чиқиб водопровод олдида юз-қўлларини ювди. Оғзига рўмол боғлаб палов пишираётган келинини кўрган Орзигул ая гумони тўғри чиққанига шубҳаланмади.

Ошга бир-икки ёлғондан қўл чўзган келинини қайнонаси асрай бошлади.

— Умидани олинг-да, қудамникига бориб келинг. Ойда-йилда бир онамдан хабар олай демайсиза... Ман ҳайронман.

— Бир ўзингиз қийналиб қоласиз... Амакимга қараш, молларга ўт, сув бериш сизни чарчатиб қўяди.

- Ҳали сиздақа ўнта келинни ишини қилишга кучим етади.

- Дади Умида...

- Ўзим айтиб қўяман дедимку, ахир. Тавба...

Орзигул ая келинини онасиникига узатиб, чолининг ёнига ўтирди.

— Эҳ, дадаси... — йиғлади у. — Худонинг раҳми келиб шугинамни қуруқ қўймасин илоҳим... Келин иккиқат, — деди Қодир ота гапларига жавоб бермаслигини билса ҳам.

Отанинг юмиқ кўзларидан сизиб чиққан ёшни артаркан, она худога зорланди... "Раҳм қил, шу одамга Оллоҳим..."

Иброҳимни бу янгилик қувонтирмади.

Ҳар гал тиббий кўрикка қайнотаси билан борадиган Мавжуда кийиниб чиқди.

— Ойижон, сиз Умидага қараб туринг. Духтурга ўзим бориб келаман. Бугун "роддом"га олиб борадиган якуний қоғозни беради, насиб бўлса. Йигирма кун олдинроқ айтганман. Аслида етти ой тўлиб қолай деди.

— Эҳтиёт бўлинг. Бирга борсам бўларди, — деди Орзигул ая негадир эрталаб кўнгли ғашлигини билдирмай.

Навбатда турган уч-тўрт хотиндан кейин ўриндиққа ўтирган Мавжудага чеҳраси таниш аёл гап қотди.

— Мани танимадингиз-а, келин?

— Йўқ, йўқ. Кечирасиз, танимайроқ турибман.

— Сиз сайхонтепалик Қодир раисни келинисизда.

— Ҳа, ҳа...ўша кишининг келинлари, — деди ютиниб.

— Иби, ман райондаги "роддом"да "род зал"да "санитарка" эдим-да. Йўл узоқлик қилди. Ишни ташладим, — деди аёл яна нимадир сўрамоқчидек Мавжудага яқинроқ келиб. — Бу нечинчи бачангиз?

Мавжуда нима дейишни билмасди. Иккинчиси десинми, олтинчиси десинми?..

— Бешинчи болангиз ўлик туғилганда рости синглим, ичим туздай ачиди. Эрингиз бечора бошларини деворга уриб йиғларди. Зайнура Сагитовна студент қиз ташлаб кеттан чақалоқчани сизга бергани учун ишдан "урилиб" кетди.

Аёлнинг гапларини аввалига эътиборсизлик билан эшитиб турган Мавжуда чақалоқ ҳақидаги ҳақиқатни эшитиб эси оғаёзди. Боши айланиб бир аҳволга тушди. "Нималар деди?.. Наҳотки, Умида менинг қизим эмас. Ахир, эмизиб катта қилдим-ку! "Кўзқошлари худди отаси", деб юз марта такрорлаган қайнонам, наҳотки, шу ёлғонларга ўзини ишонтирди. Наҳотки, Иброҳим акам... Йўқ, йўқ... Умида кўзимнинг оқ-қораси... Боламни ҳеч кимга... ҳеч кимга бермайман..."

— Хотининг бир бепарво-я, болам, — деди она икки-уч соатдан буён дўхтурга кетиб, дараги бўлмаган келинидан хафа бўлиб... Аслида кўнглида "соғ-саломат кириб келсин-да", деб ўтирганини сездирмай.

— Нега бир ўзини юбордингиз?

— Машинангни дарвозахонага киргизма, болам. Ғиз этиб бориб кел. Юрагимда ҳовур, жон болам. Бир соатдан бери мана бунинг ғаш қилиб йиғидан тўхтамайди. Бирор нарса чақдими деб, кўйлакларини алмаштирдим, тинчланмайди, — бувиси гапириб бўлгунча бир оз жим ўтирган Умида яна инжиқланди. У беғубор бола кўнгли билан онаси — кунларни тонгларга улаб меҳр кўрсатган меҳрибон кишисининг дил изтиробларини сезаётгандек эди.

— Мани онам, мани онам... Нанажон... н...

— А ҳалиям сани онанг, сани онанг... Онажонинг ҳозир келади, болам...

* * *

Поликлиникадан чиққан Мавжуданинг вужудида уйғонган оғриқ дарди, эшитган аччиқ ҳақиқатнинг руҳий зарбасига чидаши қийин бўлди. Дераза ойнасидан қараб турган ҳамшира аёлнинг ҳолсизланиб деворга суяниб ўтириб қолганини кўриб врачга югурди. Мавжуда туман туғруқхонасига келтирилди. Шифокорларнинг муолажалари ёрдамида ўзига келган Мавжуда тинмай "Ёлғон, ёлғон! Умида менинг фарзандим. Уни ҳеч кимга бермайман..." деб йиғларди.

Хотинининг аҳволидан хабар



топган Иброҳим дир-дир титради. "Энди нима бўлади". Қўшни Назокат холани ҳовлида қолдириб, онаси билан касалхонага келди.

— Йўқ, йўқ, акажон. Аёлингизни кириб кўриш мумкин эмас! Ўқиб кўринг қани, бу ерга нима деб ёзилган? — Иброҳим эшикнинг юқорисидаги ёзувга эътибор бермаган экан: "Реанимация бўлими". Демак Мавжуданинг аҳволи яхши эмас..." Ўғлининг кўзларида ёш кўрган Орзигул аянинг оёқлари ерга михланиб қолгандек эди гўё. Кампир момоқалдироқ гулдираб, шаррос ёмғир қуяётганини ҳам сезмаётгандек касалхона ҳовлисида қотиб турарди.

— Она, сизни уйга...

— Шу ерда қоламан, — онанинг овози титраб кетди.

Тун ярмидан оққунча скамейкада ўтирган Орзигул ая тинмай худога илтижо қилар, аҳён-аҳёнда оқ халатлилар кириб чиқаётган эшикка, деразаларга қараб қўярди...

Баҳор ҳавоси инжиқ. Ҳозиргина ёғаётган ёмғир тиниб, шамол барг ёзиб улгурган теракларнинг тик ўсган шохларида қасди бордек силкитарди. Теракларнинг шовуллашидан нафақат кампирнинг, балки Иброҳимнинг ҳам юрагини ваҳима босаётгандек эди. "Ўзи тирик қолса бўлди. Ўғилмикан?... Чала туғилган чақалоқ...". "Тўққиз ой кўтариб, не-не умидлар билан асраб-авайлаган болаларингиз...".

— Болам, ўзингни қўлга ол. Мана, тонг ҳам отди. Кўнглим бирдан равшан тортди. Худо асраса, бало йўқ, — кампирнинг гапи оғзида қолди. Эшикдан чиққан ҳамшира аёл чақирди.

— Умиданинг дадаси қани?

— Ана, ана ман, — Иброҳим югуриб эшикка келди.

— Суюнчи беринг, ўғил, — деди ҳамшира. — Веси бироз кам. Аммо аҳволи яхши.

— Онаси...

— Яхши, яхши деяпман-ку. Эрталабгача икковлашиб дард чекдик. Атаганингизни чиқаринг.

Иброҳим "керак бўлиб қолар", деб олиб чиққан икки ўрам беш юз сўмликнинг биттасини очмоқчи бўлганди. Ҳамшира эътироз билан қаради.

— Ичкарида мендан бошқа тўрт киши оч балиқдек, оғзини очиб ўтирибди, укажон. Шундай бераверинг. Ҳали хотинингизга қараймиз. Болангизни таглигини тозалаймиз...

— Майли, майли бачам беравқол. Соғ-саломат қутулганига шукур.

— Бу киши ким онасими, қайнонасими?

— Қайнонасиман, айланай.

— Невара муборак, хола, — ҳамшира нималидир кутаётгандек уйқудан шишиб кетган кўзларини сузди.

Шошиб қолган Орзигул ая чўнтакларини ковлай бошлади. "Янги халатимни киссасида қолибди".

— Ана ўғлингиздан олинг.

Иброҳим иккита беш юзталикни онасига узатаркан, ўн минут илгари хотини, фарзандининг халоскори сифатида хаёлида ҳар қандай иззат-икромга сазовор ҳамширадан нафратланиб кетди.

— Аслида қайноналар "жмот" бўлади. Тавба... Онага бирор иссиқ овқат, пакет, чақалоққа плёнка, одеял келтиринглар...

* * *

Тонг отгунча мижжа қоқмаган қўшни Назокат опа эрталабгача ун қовуриб, атала пиширди. Ярим кечагача йиғлаб, инжиқлик қилган Умида ширин уйқуда.

— Суюнчи, суюнчи беринг, холажон, — ошхона томондан чиқиб келган онасидек бўлиб қолган қўшни аёлни кўтариб олди Иброҳим.

Балфеъл, ҳадеганда қовоқ-тумшуғи очилмайдиган Иброҳим гўё бошқа кишига айланиб қолган эди. - Дадамлардан суюнчи олай.

Отаси ётган уйга кириб ҳайратдан қотиб қолган Иброҳимнинг тили калимага келмасди. Неча йилдан буён туролмай, тўшакда бир зайлда ётган Қодир ота соғлом кишилардек бошини солинтириб ўтирарди.

— Отажон, ота, — Иброҳим йиғламасликка қанча уринмасин ўзини ушлаб туролмади. — Ўғил кўрдим, отажон. Худо хоҳласа...

— Ум...ри уз...о...қ бўл...син.

— Пойиқадами хуш келди, ота. Мана га...пираяпсиз. Келинингиз, қизингиз яхши...

— Вой, вой ман ўлай, — Орзигул ая ўғли билан суҳбатлашиб ўтирган эрини кўриб сал бўлмаса эс-ҳушидан айрилаёзди...

* * *

Раиснинг уйи гавжум. Майсара ая аввалгидек тортиниб ўтирмас, ўз уйидек елиб-югуриб дастурхон тузарди. Савлат тўкиб, тўрда ўтирган Орзигул ая гўё бугун қайноналик салтанати маликасига айлангандек эди...

— Они Умида. — чақалоққа термулиб тўймаётган Мавжудага суйкалди Иброҳим.

— Туринг, туринг, уят бўлади. Ҳозир биров келиб қолса...

— Ўғлимизнинг исмини дадамнинг кўнгилларига қараб Темурбек деб қўйиганимиздан хафа эмасмисан?

— Боши тошдан бўлсин деб, Тошпўлат қўйсангизлар ҳам рози эдим. Ўлмаса бўлди...

— Чиллалик аёл йиғламайди. Ўзи ўша куни сени ой-кунинг тўлмай қандай тўлғоқ тутди, билмайман. Ёки духтирлар...

Ўша кунни ҳеч ҳам эслагиси йўқ. Мавжуда Умида ҳақидаги ҳаммалари билган ҳақиқатни айттиси ҳам йўқ. Қандай эди, шундайлигича қолади. Воқиф бўлган бу "сир"ни юрагининг чуқур жойига кўмиб ташлайди.

Шу пайт эшикдан йиғлаб Умида кириб келди.

— Она, мени Ситора...

— Манг, дадаси, сиз ёмон ўғлингизни олинг. Мен эрка қизимни онасиман, — у Умидани бағрига босиб юз-кўзларидан ўпаркан кўнгли тўлиб кетди.

— Вой-бў, бунинг кичкиналигини. Қачон катта бўлади, — Иброҳим чақалоқнинг ёқимли ҳиди, кафтида кўтариб турган зурриёдининг тафтидан алланечук бўлиб кетди. — Ма, ол болангни. Ўзимни қизимни бер буёққа, - деб ҳазиллашиб, Умидани кўтарганча ҳовлига чиқди.

* * *

Қодир ота ҳасса билан кириб чиқадиган бўлганда Темурбек уч-тўрт ойлик бўлиб қолди. Нонушта пайти чой дамлашга турмоқчи бўлган Мавжуда олиш учун қўлини узатган Иброҳимга болани бермади.

— Бобосининг тиззаларида ўтиради, — деб Темурбекни қайнотасининг қучоғига қўйди. Қодир отанинг бармоқларини маҳкам ушлаб турган Темурбекни бағрига босган бобонинг бўғзига нимадир тиқилгандек бўлди.

— Ме...ни, мен... кечиринглар, болам... Сизларни шунча қий...-наб қўй...дим... Қисмат шунақа эканми...

Ота нима демоқчи эканлигини Орзигул ая ҳам, Иброҳим-у Мавжуда ҳам жуда яхши англасаларда, лом-мим дейишмади.

— Бобожон, бобожон, — Умиданинг қўнғироқдек овози бу сукунатни бузди. Мен шел биламан... Темурбек билмайди. Бу мани — укажоним, — эркаланарди у.

*Моҳира ШАКАРОВА*

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyatmanzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г —455. 25 258 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.30 1 3 4 5 6 7 8